

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

РАХИМБОВ САРДОР ҚАХРАМОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Мутахассислик: 5А340102 – ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИ (алоқа ва ахборотлаштириш)

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кафедрада кўрилди ва
ҳимояга тавсия этилди
кафедра мудири и.ф.н., доц.
_____ Буткеева Т.М.
« ____ » _____ 2010

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Мухитдинов Х.А.

Илмий маслаҳатчи:
и.ф.н., доц. Буткеева Т.М.

ТОШКЕНТ - 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг роли.....	7
1.2. Телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг илмий асослари.....	15
1.3. Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий хусусиятлари ва такомиллашув босқичлари.....	28
2. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	47
2.1. Телекоммуникация хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	47
2.2. «Ўзбектелеком» АКсининг иқтисодий-молиявий фаолиятини баҳолаш.....	70
3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МОЛИЯВИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	81
3.1. Мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш орқали компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш.....	81
3.2. «Ўзбектелеком» АКси молиявий ҳолатини соғломлаштириш чора-тадбирлари.....	92
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	100
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	102

КИРИШ

Магистрлик диссертациясини долзарблиги. Мамлакатимизнинг телекоммуникация корхона ва муассасаларида улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва хизматлар бозоридаги ҳолатини аниқлашда молиявий таҳлил ва молиявий менежмент услубларидан деярли фойдаланилмайди. Молиявий бошқарувни қўллаш бўйича соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб (молия-банк ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби) комплекс тарзда аниқ усул ва услублар ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади .

Корхона ва муассасаларда молиявий бошқарув масалаларини такомиллаштириш, уларни «..бугунги кундаги иқтисодиётимизнинг шаклланган тузилмаси ва бозор механизмларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олиш зарур»лигини юртбошимиз алоҳида таъкидлайдилар[15].

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга бўлган ёндашувлар турлича. Иқтисодий адабиётларда мазкур масалани очиб берувчи кўпгина манбаларга дуч келиш мумкин. Лекин мазкур ҳолда телекоммуникация соҳасининг замонавий тизимларида молиявий муаммоларни тадқиқ, этишда на ўзимизнинг ва на хорижий адабиётларда тўлиқ мажмуи йуқ.

Шунинг учун мамлакатимизда хизматлар бозорида бугунги кунда етакчилик қилиб турган - телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий масалаларини комплекс тарзда тадқиқ, этиш, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати ушбу мавзу устида ишлашга ундади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиш истиқболлари ва йўналишлари, корхоналарда

молиявий бошқарувни ташкил этиш масалалари бир қатор мамлакатимиз ва хорижлик олим-мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

Бу борада хориж олимларидан И.Ансоф, В.Беренс, Г.Бирман, М.Бромвич, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, Э.Долан, К.Макдонелл, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт каби олим ва мутахассислар изланишлар олиб боришган.

Шунингдек телекоммуникация хизматлари бозорини умумий тадқиқ этишга мамлакатимиз олим мутахассисларидан Э.А.Акрамов, А.Н.Арипов, Т.М.Буткеева, Р.Я.Досумов, Т.К.Иминов, Т.С.Маликов, М.А.Махкамова, Х.А.Мухитдинов, М.М.Махмудов, Х.М.Мирзохидов, Н.Х.Хайдаров, Л.И.Шибаршова кабилар катта хисса қўшганлар.

Бироқ қайд этилган ва бошқа кўпчилик мутахассисларнинг илмий асарларида телекоммуникация хизматлари бозори умумий жиҳатдан тадқиқ этилган, яъни муаммонинг молиявий жиҳатлари кўриб чиқилмаган ёки жуда тор доирада тадқиқ этилган, ёки мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқилмаган.

Тадқиқот предмети ва объекти. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида телекоммуникациялар хизматларини жорий этиш усуллари ва ривожланишини муаммолари тадқиқот предмети ҳисобланади. «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси 2007-2009 йили ҳисоботлари статистик маълумотлар олинган ва телекоммуникация хизматлари бозори тадқиқот объекти сифатида кўрилади.

Ишнинг мақсади. Диссертациянинг бош мақсади – мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини тадқиқ этиш асосида, уни келгусида ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда алоқа корхоналарида молиявий ишларни ташкиллаштириш, режалаштириш, молиявий қарор қабул қилиш ёки олдиндан кўра билиш каби масалаларни кўриб чиқиш ва самарали молиявий бошқарувни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан

иборат.

Бош мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

-ахборотлашган жамият шаклланишида телекоммуникациялар тизимининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

-телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг илмий асослари ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш;

-ривожланган молиявий механизмларнинг телекоммуникация хизматлари бозори тараққиётидаги ўрнига баҳо бериш ва асослаш;

-Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг қонуний-меъёрий асослари ва ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш;

-«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини тадқиқ этиш;

-ҳалқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолати ва салоҳиятини тадқиқ этиш асосида, уни такомиллаштириш имкониятларини кўрсатиш;

-мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш орқали компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

-дебиторлик-кредиторлик қарзларни самарали бошқаришни компания молиявий ҳолатини соғломлаштиришнинг усули сифатида кўриб чиқиш ҳамда ушбу қарздорликларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методологияси ва услуби. Магистерлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарлари ва Фармонларидан, мавзуга алоқадор ҳорижий ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Ўзбектелеком" АК ҳисобот материалларидан, фойдаланилди. Бу ўз навбатида соҳанинг муаммоларини чуқур ўрганишга асос бўлиб келди.

Магистерлик диссертациясининг ишининг таркибий қисми. Мазкур магистерлик диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматларининг роли

Фаровонликни ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ни ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири бўлиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг тезлиги унинг давлат социализмидан қолган меросдан кутулиш, ҳамда сиёсий институтлар ва бошқарув механизмларини тезда такомиллаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Шу маънода, институционал ислохотларни асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун улкан имкониятлар тақдим этади.

Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, фукароларни ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурининг жойлардаги ижроси натижасида 2010 йилнинг биринчи чорагида АКТ соҳасида 442 млрд. сўмлик, жумладан аҳолига 265 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан ўсиш

7,5% ни ташкил этди. Республика бўйича рақамлаштириш даражаси 92,7% ни ташкил этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотида биноан Республикада компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш жараёни куйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- интернет тармоғига уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 977 тани;
- республика бўйича интернетдан жамоавий фойдаланиш пунктлари умумий сони 1023 тани;
- халқаро ахборот тармоқларига уланишнинг умумий тезлиги 1270 Мбит/с ни ташкил этди;
- интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминий миқдори 2,8 млн. нафарга етди – республика бўйича хар 1000 та аҳолига 100 нафар фойдаланувчи тўғри келади¹.

Ҳозирги вақтда республика маҳаллий телефон тармоғида 2 млн рақамдан ортиқ умумий монтаж қилинган сиғимли 2 мингтадан зиёд АТС мавжуд. Монтаж қилинган сиғимнинг рақамлаштириш даражаси 90,9 фоизни ташкил этди.

2008 йилнинг биринчи ярим йили ичида мобил алоқа абонентларининг сони 2007 й. нисбатан 3124 минг абонентга ошиб, 9000 минг абонентни ташкил этди². Мобил алоқа абонентларининг аҳоли сонига улуши эса 33,2 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда ҳаётимизга турли-туман ахборот-коммуникация хизматларининг кириб келиши жуда сезиларли бўлмоқда. Булар маълумотлар узатиш – Интернетдан юқори тезликли фойдаланиш, тармоқ дисклари (виртуал диск макони), Интернетдаги шахсий файлли ресурслар,

¹ www.aci.uz

² Ж. О'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. Тошкент, 5/2009. 22-24 б.

ўйинли серверлардан фойдаланиш ва бошқалар; овозли хизматлар – маҳаллий ва шаҳарлараро телефония, IP орқали радиоэшиттириш; видео – хизматлар – IP орқали телекўрсатув; пулли видеоканаллар, талабга кўра видео, видеотелефония, видеоконференцалоқа хизматлари, видеоқўрсатув, ўйинли видеопроставка ва бошқалардир.

Мумкин бўлган хизматларнинг келтирилган рўйхати уларнинг истеъмол хоссаларини аниқлаш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бозорида талаб қилиниш даражасини баҳолаш имконини бермайди. Бироқ, мақсадли бозорнинг бир нечта сегменти – хусусий ва корпоратив истеъмолчилар, иқтисодиёт секторларининг мавжудлиги маълум. Ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланиш, айниқса, иқтисодиёт секторларида, мамалакат иқтисодиёти ўсишининг ҳамда аҳоли бандлигининг кучли ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Масалан, Европа комиссиясининг маълумотларига кўра, Европа ҳамжамияти ялпи ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг 40 фоизи АКТ хизматларидан фойдаланиш туфайлидир.

Шубҳасиз, ривожланган мамалакатлар ўртасида иқтисодий ютуқлардаги фарқ, кўп жihatдан, АКТ секторига қўйиладиган инвестициялар даражаси, бу соҳадаги тадқиқотларнинг кенглиги ва чуқурлиги, шунингдек, ахборот жамиятининг рақобатбардошлилиги билан изоҳланади.

Замонавий компаниянинг ишдаги муваффақиятлари, фаолиятнинг қайси соҳасида ишламасин, унинг ахборот структураси билан узвий алоқадорликда. Ахборот-коммуникация технологиялари компания ва корхоналарнинг фаолиятига, Амалий жараёнларни тезлаштирган ҳамда оптималлаштирган ҳолда, таъсир этибгина қолмай, бу жараёнларнинг ажралмас қисми бўлиб қоладилар. Ахборот технологиялари, уларга қўйилган маблағлар энг юқори даражада манфаат келтириши учун, амалий жараёнларнинг ривожлантирилиши ҳамда улар суянадиган

инфраструктуранинг такомиллаштирилиши паралел амалга оширилиши керак.

Ўзбекистонда йилдан-йилга миллий иқтисодиётнинг турли секторида АКТ жорий этиб борилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига бошқарув тизимини такомиллаштиришга, алоҳида компанияларда ва иқтисодиёт секторларида ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботнинг оптимал тизимларини яратишга бўлган таъсирини таҳлил қилиш, унинг юқори самарадорлигини кўрсатди.

Ахборот жамияти – бу давлат бошқарув органлари, хусусий сектор халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ўртасида янги, янада ишончли муносабатлар асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи восита сифатида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) қўлланиш ғоясига асосланган концепциядир. Бу, барқарор ривожланиш йўлига ўтган ҳар бир мамлакат ўтадиган объектив жараёндир.

Мамлакатимиз ҳам бу жараёндан четда эмас, у глобал ахборот жамиятини шакллантиришда тобора фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда ахборот жамияти сари интилишга, унинг учун замин яратишга ҳамда уни шакиллантириш шарт-шароитларига қаратилган. Бундай стратегия Ўзбекистонга тўла ҳуқуқли ҳамкор сифатида жаҳон иқтисодий маконига қўшилиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АКТ ни ривожлантириш, унинг афзалликларини ҳис қилиш ошиб бормоқда. Унинг таъсири давлат структуралари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида, ижтимоий соҳа, фан ва таълим ҳамда одамларнинг яшаш тарзида сезилади. У одамларга ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш имконини беради ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонликни ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Давлат бошқарув органлари ҳамда барча манфаатдор томонларнинг ривожланиш мақсадларида АКТ ни қўллаш бўйича кўмаклашишдаги роли

Миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30.05 даги ПФ-3080 сонли Фармони билан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш вазифалари белгиланган, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди, бож ва солиқ имтиёзлари ўрнатилди, тадбиркорликни ривожлантириш юз берди. Ўзбекистонда АКТ ва Интернет тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қанча миллий дастур ишлаб чиқилди ва қабул қилинди:

«2010 йилга бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури». Унинг мақсади дунё телекоммуникациялар тизимига чуқур кириб боришни кўзда тутадиган ва иқтисодиёт ва аҳолининг алоқа хизматларига бўлган ҳар томонлама эҳтиёжларини таъминлайдиган рақамли узатиш тизимлари ва рақамли коммутацион ускуна асосида миллий телекоммуникациялар тизимини яратиш ҳисобланади.

«1999-2003 йиллар Ўзбекистон Республикаси миллий маълумотлар узатиш тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш дастури». Унинг мақсади 1999-2003 йилларда вилоят марказларида ва 2000-2003 йилларда туман марказларида тармоқни кенгайтириш мақсадида миллий МУТ ни такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан асосий ташкилий-техник чора-тадбирларни белгилаш ҳисобланади.

«2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури». Унинг мақсади жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва мамлакат

иқтисодиётини жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Мақсадга эришиш учун қуйдагилар кўзда тутилади:

- телекоммуникацияларнинг замонавий техник инфраструктураси ривожланишини ва тармоқларнинг рақамлаштирилишини тезлаштириш, шунингдек, Мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш;
- миллий Интернет сегментини ривожлантириш;
- компьютерлаштириш ривожлантиришни, мамлакат индустрияси ҳамда дастурий маҳсулотларни четга чиқаришни рағбатлантириш бўйича шартномаларни яратиш;
- АКТ соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- АКТ соҳасида рақобат мухитини яратиш;
- норматив-ҳуқуқий базани, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни янада такомиллаштириш.

Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117 сонли **«Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** қарори билан қуйдагилар тасдиқланди:

- 2010 йилгача телекоммуникация маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантиришнинг ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг мақсадли йўналишлари;
- 2010 йилгача жойлардаги давлат бошқарув ва ҳокимият органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури;
- Миллий ахборот-излаш тизимини шакиллантириш ва ривожлантириш дастури.

Институционал органлар

Миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси бажарилишини ташкил қилиш учун қуйдаги органлар тузилди.

Ахборот-коммуникация**технологиялари****ва**

компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш. Унга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари бошчилик қилади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютерлаштиришни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича олий орган ҳисобланади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. Бу агентлик АКТ соҳасида давлат бошқаруви бўйича махсус ваколатланган орган ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги. Бу агентлик оммавий ахборот воситаларини, нашриёт иши ва полиграфия ривожланишини давлат бошқаруви бўйича махсус ваколатланган орган ҳисобланади.

«УзИнфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази. Бу Марказга иқтисодиёт, барча тармоқлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун компьютерлаштиришни ривожлантириш ва АКТ ни жорий қилиш миллий дастури стратегик устуворликларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази. Бу Марказга тармоқ корхонларида стандартлаштириш хизматлари ишини мувофиқлаштириш, шунингдек, АКТ соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича ишларга илмий-техник ва ташкилий методик раҳбарликни амалга ошириш юклатилган.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази. 2004 йилда дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш, мамлакат дастурий маҳсулотлар бозорини, рақамли графика ва

анимацияни, шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш мақсадида тузилган.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда қўмаклашиш» лойихаси (ICTP) – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2005 йил майида тузилган ва АКТ ни ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланишга йўналтирилган биргаликдаги лойихаси.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхонлари ва ташкилотлари ассоциацияси. Мамлакатда ахборот технологиялари соҳасини жадал ривожлантириш учун кучларни бирлаштириш мақсадида 2006 йил апрелда рўйхатга олинган. Ассоциацияга 45дан ортиқ компания ва фирма аъзо ҳисобланади³.

³ «Ўзбекистан. Отчет об анализе выполнения решений всемирной встречи на высшем уровне по вопросам информационного общества» // UNDP - ICTP

1.2. Телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг илмий асослари

Барча соҳаларда бўлгани каби телекоммуникациялар соҳасида ҳам бозор муносабатларини шаклланиш ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шунингдек, ушбу хусусиятлар ҳар бир давлат учун маълум бир миллийликни вужудга келтиради.

Мустақиллик йилларида шаклланиб, ривожланиб келаётган мамлакатимиз телекоммуникациялар бозори ҳам маълум бир ўзига хослик йўналишларидан бормокда ва ривожланмокда. Бироқ, ҳозирча ушбу бозорнинг барча хусусиятлари ягона тизим асосида, илмий ва амалий жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Айниқса, соҳанинг молиявий масалалари, бозорни шакллантириш ва инвестиция жараёнларини тадқиқ этишдаги пул оқимларини тадқиқ этиш томонлари олим ва мутахассисларимизнинг назаридан четда қолмокда.

Ҳорижлик ва маҳаллий олим-мутахассисларимизнинг баъзилари умуман алоқа соҳасининг назарий масалаларига тўхталиб, соҳага умумий ёндашган ҳолда таъриф ва тавсиф беришган. Масалан, россиялик олим ва мутахассис Л.Д.Рейман ахборотлаштириш ва телекоммуникацияларни биргаликдаги конвергенциясини кўради ва уларни **«инфокоммуникациялар»** деб атади⁴. Унинг таърифига кўра **«инфокоммуникациялар»** - бу замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологияларининг биргаликдаги тўплами бўлиб, уларнинг бош вазифаси ташкилотлар ва аҳолига алоқа ва коммуникация маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишдир.

Мамлакатимиз олимларидан А.Н.Арипов эса ўз илмий тадқиқотлари давомида асосан телекоммуникация соҳасининг бошқарув тизими тамойилларига тўхталади ва бу тамойилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганишни

⁴ Рейман Л.Д. и др. Инфокоммуникации в деловом мире. – М.: «Фиорд-инфо», 2001. с-31.

тавсия этади: **биринчи гуруҳ-умумжаҳон аҳамиятига эга ва иккинчи гуруҳ Ўзбекистоннинг ҳозирги давр ривожига учун хос бўлган тамойиллардир**⁵.

Биз бир қатор бошқа илмий тадқиқотларни ва асарларни тадқиқ этганимизда ҳам асосий эътибор умуман - ахборот ва ахборотлаштириш йўналишини ёки Л.Д.Рейман таъбири билан айтганда «инфокоммуникациялар» соҳасини тадқиқ этишга қаратилганлигини, алоҳида – телекоммуникациялар йўналиши эса эътибордан четда қолаётганлигини гувоҳи бўлдик. Энди, айнан, телекоммуникациялар соҳасида бозор муносабатларини ривожланиши ва унинг молиявий муаммолари эса деярли илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Агар соҳа бўйича илмий луғатларга мурожаат этсак телекоммуникацияларнинг фақат ўзигагина берилган ушбу таърифларни учратамиз:

-телекоммуникация – бу симли, радио оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёнидир;

-ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёнидир;

-предмети ахборот узатиш услублари ва воситалари бўлган фаолият соҳасидир⁶.

Биз, аввало, юқорида келтирилган ва бошқа илмий адабиётлардан олган назарий қарашларимиз асосида телекоммуникация хизматлари бозорига қуйидагича таъриф беришни ўринли деб топдик, яъни, **телекоммуникация хизматлари бозори – бу сотувчилар ва харидорларнинг замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация**

⁵ А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004.

⁶ А.Н.Арипов, Х.М.Мирзохидов ва бошқ. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: «Рақамли ривожланиш дастури», 2004.

технологияларининг биргаликдаги тўплами ёрдамида маълумотларни масофадан узатиш ва қабул қилиб олиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларидир.

Телекоммуникациялар – шартли равишда айтганда, «иккинчи даражали» иқтисодиёт ҳисобланади. Уларнинг ўзига хослиги телекоммуникация хизматидан фойдаланаётган бошқа соҳалар самарадорлигини ошириш салоҳиятига эга эканлиги билан белгиланади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ва ривожланаётган дунёда телекоммуникациядан фойдаланиш самараси 1,5 коэффицент билан баҳоланади⁷. Бошқача айтганда, соҳага киритилган бир доллар инвестиция ижтимоий маҳсулотнинг 1,5 долларга қўшимча ўсишини таъминлайди. АҚШда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори – 2 дан 6 долларгача баҳоланади.

Ғарбий экспертларнинг миллий маҳсулот ўсишига тузатишлар киритиб борувчи бу ҳисоб-китоблари қуйидаги натижаларни берди: телекоммуникация АҚШда миллий даромаднинг 10 фоизидан ортиғини ва қолган дунёда бу кўрсаткич 1,5-3% ни ташкил қилади. Телекоммуникацияларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича улуши доимий суратда ўсиб бормоқда. Масалан, 1995 – 2001 йиллар мобайнида телекоммуникациялар улуши АҚШ, ГФР, Франция ва Япониянинг ЯММ (GNP) да тегишли равишда 5,7,9 ва 15,4 мартага ўсди ва ушбу давр охирида АҚШда – 4,5; ГФР ва Францияда – 3; Японияда – 2,5% ни ташкил этди.

Телекоммуникациялар воситаси саноати ривожланган мамлакатлар техник базасини муҳим компонентиға айланди. 1998 йилда бутун хўжалик асосий капиталида уларнинг улуши Францияда – 5,7; ГФРда – 5,9; АҚШда эса – 8,9% га етди. Бу турли мамлакатларда улар иқтисодиёти умумий ҳажмининг 4 дан 9 гача фоизини ташкил қилади.

⁷ info@uztelecom.uz

Телекоммуникациялар сармоя қўйиш учун фавкулотдда фойдали соҳа ҳисобланади. Америка қишлоқ хўжалиги департаменти эркин тадқиқотларига кўра, телефон тармоқларини ривожлантиришдан олинаётган унумдорлик инвестицияларнинг ўзидан 6 марта ошади, Франция Алоқа илмий-тадқиқот институти ҳисоб-китоби бўйича эса бу кўрсаткич 7,5 мартадан ортади.

Ахборот технологиялари миллий иқтисодиётнинг ўсиши ва самарадорлигига таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Бундай таъсирнинг бир қанча энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- дунё бозорларининг глобаллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат тақсмотини ривожлантиришда телекоммуникацияларнинг ролини ошириш;
- ахборот индустриясига алоқа тизимини улаш;
- номоддий ишлаб чиқаришнинг янги илмий кўламли тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- хўжалик ресурсларидан фойдаланишни самарали қилиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш воситаси сифатида алоқа тармоғи ролини кучайтириш.

Телекоммуникациялар ҳар бир янгиликни фавқуллодда ўзига тез қабул қилади. Техник тараққиётнинг деярли барча ютуқлари ахборот техникаси ва технологияларида дарҳол моддийлашади. Шундай қилиб, илмий кўламдор, хусусан, электрон асбоб-ускуналар, космик воситалар ва техниканинг бошқа шакллариغا талаб рағбатлантирилмоқда. Алоқа аппаратуралари электрон саноати ишлаб чиқаришнинг қарийб 70 фоизини ташкил қилади, интеграл схемалар ва яримўтказгичлар улуши, тегишли равишда, улар ялпи ишлаб чиқарилишининг 23 ва 30% миқдорида баҳоланади. Материаллар техника ва унинг айрим элементлари соҳасида қўлланилаётган ассортиментлар ўрни мустаҳкам ва доимо ўсиб бормоқда. Буни шу факт ҳам изоҳлайдики, замонавий телекоммуникация тизимлари анча қиммат туради. Ҳеч бир давлат уларни ривожлантириш учун зарур инвестициялар ҳажмини ўз кучлари

билан таъминлай олмайди. Улар фақат жаҳон молия бозорларида етарлича миқдорда мавжуд. Ўз навбатида, телекоммуникациялар хизмати бозорини очмасдан, рақобатни кучайтирмасдан туриб, халқаро хусусий сармояни жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳам мумкин эмас.

Япония ва Буюк Британияда соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг камайганлиги хизмат кўрсатиш фирмалари томонидан ҳам, электр алоқа асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам тармоқ ишлаб чиқаришининг катта миқдорда қисқарганлиги билан боғлиқ. Масалан, 1980 йилда хизмат кўрсатиш сифатининг ёмонлиги сабабли Япон NNTсининг бир неча ҳудудий дирекциялари янги жиҳозлар (асбоб-ускуналар) сотиб олиш учун катта маблағ сарф қилишди, бунинг учун ҳукумат томонидан асосли танқидга учрадилар, 1982 йилда Японияда хусусий тадбиркорларга барча турдаги хизмат соҳасида бозорга чиқишга руҳсат этилди. 1984 йилда мамлакат Парламенти электралоқа ҳақидаги янги қонунни тасдиқлади ва NTT 1985 йилда амалга ошган хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунни таклифи қабул қилинди.

Агар Японияда ушбу тадбир NTTнинг ўз ичидан давлат корхоналари вазилавий ўзгаришларига жавоб тариқасида юзага чиққан бўлса, Буюк Британияда эса хусусийлаштириш мақсади ҳукумат томонидан майдонга чиқарилган эди. 1969 йилдан 1979 йилгача Британия электралоқа саноатининг жаҳон бўйича улуши 25% дан 6% гача қисқарди, телефон рақамларини олишни кутиб турганлар сони кўпайди, тарифлар ошди. Янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш сусайди ва Буюк Британиянинг Европа мамлакатлари билан электр алоқани ривожлантириш даражасидаги фарқи ошди. Бунинг натижасида 1979 йилда почта хизмати ва электр алоқани ташкилий бўлиш ҳақидаги қарор қабул қилинди, бу қарор икки йилдан кейин амалга ошди.

1981-1984 йиларда British Telecomни акционерлик (ҳиссадорлик) жамиятига айлантириш учун тайёрладилар. 1984 йилда акцияларнинг ярми

хусусий кўлларга сотилди. Рақобат ва хусусийлаштиришнинг биргаликда кўшилиши жаҳонга ажойиб натижаларни намоиш қилди. Хусусан, соҳани миллийлаштиришдаги (национализация қилишдаги) барча камчиликлар: ходимларнинг ортиқчалиги, самарасизлик ва мижозлар эҳтиёжига бўлган кизиқишнинг йўқлиги ва хоказолар бартараф этилди. Табиий монополияни мустақил назорат қилиш механизми ислохотнинг энг ажойиб ютуқларидан бўлди. Хусусан, British Telecom кузатув кенгаши операторларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам манфаатларини кўзда тутувчи изчил ва оқилона сиёсат олиб боради.

Англиялик ҳамкасбларидан ўрнатқ олиш учун Германия алоқа маъмуриятига етти йил керак бўлди. 1996 йил 17 ноябрда дунё гиганти бўлган Deutsche Telecom акциялари (қимматли қоғозлари) Франкфурт-на-Майне фонд биржаларига, эртаси кун эса Нью-Йорк ва Токио биржаларига тақдим этилди. Улар ҳозирда барча немис регионал (минтаквий) биржаларида, шунингдек, Торонто ва Квебек биржаларида мавжуд ва Сингапур ҳамда Гонконг биржаларида кутилмоқда. Компания умумий қиймати 10 млрд. маркага яқин бўлган (номинал қиймати 5 марка) 623 млн акцияни таклиф этмоқда. Ҳақиқатда у кўп ҳам туриши мумкин, чунки ҳозирда акцияларнинг курс баҳоси 32 марка бўлиб, у тахмин қилинган 30 маркадан ошмоқда.

Бу Ғарбий Европа тарихида расмий сотувга рухсат этилган энг йирик пакет ҳисобланади. Ушбу акцияларнинг йирик эмиссиясидан келган фойдани федерал бюджет эмас, Deutsche Telecom олади. Улар бутунича компаниянинг хусусий маблағини оширишга кетади. Хусусийлаштиришдан олдин корпоратизация бўлди. Давлат тизимидан чиқиш “ичкаридан” жиддий таъмирлаш билан бирга кечди: мулкни қайта баҳолаш, солиқ тўловидаги ўзгаришлар, эмиссиянинг юқори бўлмаганлиги ва хоказо. Бу ҳол компанияга ўз маблағларини 10 млрддан 15 млрдгача кўпайтириш имконини берди.

Ушбу ўсишнинг ярми 1996 йил ноябрида фонд биржаларида таклиф этилган эди, иккинчи ярми эса, 1999 йилда амалга оширилди. Хусусийлаштириш олдида акцияларнинг махсус ташкил қилинган ахборот фондида 1,5 млн. Имкониятга эга бўлган талабгорлари рўйхатга олинди. Бироқ талаб кутилганидан 6 марта ортиб кетди – хусусий ва кичик улушчиларга (пул қўювчиларга) чегирмалар берилди. Бундан ташқари, кичик улушчилар “содиклиги учун мукофот” шаклида рағбатлантириш чоралари кўрилди. Масалан, агар инвестор ўз акцияларини 1999 йилнинг сентябрига қадар сотмаса, унда федерация томонидан ҳар 10 та акцияси учун яна битта акцияни совға тариқасида олади. Бунинг учун 150 млн. марка миқдорида захира маблағи яратилди.

Хусусийлаштириш иштирокчиси бўлиш учун қарийб 3 минг марка миқдорида камида 100 та акция сотиб олиш зарур эди. Хусусий улушчилар (омонатчилар) ва “содиклиги учун мукофот” учун нархлардаги чегирмалар кўпи билан 300 та акцияга тадбиқ қилинади. Мақсад 10 минг маркагача улуш маблағи билан кичик ҳиссадаорларни жалб қилишдир. Бундан ташқари, компаниянинг 200 минг хизматчилари алоҳида имтиёзли шартларда акцияларни сотиб олишлари мумкин. Ҳозирда уларнинг сони 130 дан 140 минггача белгиланмоқда.

Германияда аҳолининг пул жамғармаси анча юқори бўлганига қарамай, ушбу мамлакатда акцияларга муносабатларда бир қадар ишончсизлик мавжуд. Немис Федерал банки маълумотига кўра 1995 йилнинг охирида аҳоли ўз ҳисоб рақамларида 4,6 триллион маркага эга бўлган. Аммо ушбу суммадан (миқдордан) ҳаммаси бўлиб 5,3 % ёки 243 млрд марка акцияларга қўйилган. Шунинг учун эмиссия муваффақиятига жуда катта реклама ишлари ва тушунтириш ишлари, тайёрлаш компанияси ёрдам берди. Мамлакат аҳолисини, айниқса, Deutsche Telecom ходимларини хусусийлаштириш сиёсатининг мақсадга мувофиқлигига ишонтириш зарур эди.

1.2.1. жадвалда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларда хорижий инвесторлар иштирокидаги телекоммуникациялар соҳаларини хусусийлаштиришга ёндошувнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

Телекоммуникация компанияларини хусусийлаштиришнинг чет эл тажрибаси бўйича ўтказилган таҳлил иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларни ҳисобга олишлари зарур бўлган бир қатор жиддий хулосалар чиқаришимизга имкон беради, яъни:

- хусусийлаштириш моделини танлаш соҳасини ислоҳ қилиш қайта ўзгартириш чоғида давлат кўзлаган пировард мақсадга ёки бюджетни тўлдиришга ёхуд унинг ривожини учун стратегик инвесторларни жалб қилишга боғлиқ;

- хусусийлаштириш қайта ташкил қилиш ва қайта тузишдан кейин ҳам, ислоҳ (қайта ўзгартириш) жараёни бошланиши билан ҳам амалга оширилиши мумкин;

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларни жалб қилиш жорий муаммолардан келиб чиқиб режалаштирилмаган ҳолда эмас, балки мақсадга қаратилган, чуқур ишлаб чиқилган (синчиклаб ўрганиб чиқилган) дастур асосида амалга оширилиши лозим;

- стратегик инвесторга таклиф этилаётган акция пакетининг қиймати фақат объектнинг жорий ҳолатини ҳисобга олиш ҳамда унинг ривожланиши учун маблағ қўйилмаларидаги талаб асосига таяниши лозим;

- соҳани (тармоқни) хусусийлаштириш чоғида мамлакатнинг кичик ва хусусий инвесторлари муҳим ўрин тутиши мумкин;

- рақобат муҳитини яратиш тарифларнинг ошишига эмас, пасайишига ва хизмат сифатини яхшилашга олиб келади;

- хорижий тажриба кўрсатганидек, агар давлат сиёсати етарли даражада мосланувчан бўлса, унинг фаолияти эса қулай инвестиция муҳитини

таъминлаш бўйича самарали бўлса, хусусийлаштириш ва номарказлаштириш самара бериши мумкин.

Ҳорижий мамлакатларда телекоммуникация соҳаларини хусусийлантиришнинг қиёсий кўрсаткичи

1.2.1-жадвал

Мамла- катлар	Хусусий- лаштириш объекти	Топши- рилган маблағ ҳажми (млн. АҚШ долл)	И З О Ҳ
Белгия	“Belgacom”	2400	Amritech (40%), TeleDanmark (33%), Singapore Telecom (27%) дан консорциум Belgacom 49% сотиб олди.
Буюк Британия	BT	22931	Хусусийлаштириш уч транш бўйича ўтказилган: 1984 й. – 51% учун 5,2 млрд. АҚШ долл. 1991 й. – 27% - 9821 млн.долл. ва 1993 й. – 22% - 7910 млн.АҚШ долл. Ҳукумат «олтин акция»ни сақлаб турибди.
Венгрия	MATAV	1727	“Maguarcom” (Ameritech/Deutsche Telecom) 30.2% - 875 млн. АҚШ долл.га ва 37% - 852 млн.АҚШ доллариға сотилди.
Латвия	“Lattelecom”	160	TILTS Commucations A/S хусусийлаштирилиб сотилиши: Cable & Wiveless (63%), Telecom Finland (27%), ва IFC (Жаҳон Банки) (10%)
Жанубий Корея	“Korea Telecom”	2364	1993 йил апрелда очик (халқ олдида) сотиш йўли билан 10% акция 898 млн. АҚШ доллариға тарқатилган эди. 10% акция 1994 йилда иккита очик тендерда 5% дан тегишли равишда 622 млн. ва 844 млн. ҳамда 1996 йилда 8,8% - 1,15 млрд. АҚШ доллариға сотилган.
Япония	NTT	70469	NTT уч босқичда хусусийлаштирилган. 12,5% учун 13,85 млрд.АҚШ доллари – 1986 й; 12,5% учун 34,4 млрд.АҚШ доллари – 1987 й.; 9,6% учун 22,2 млрд. АҚШ доллари ички очик савдо йўли билан сотилган. Ҳукумат қарийб 65% ни сақлаб турибди.

Иқтисодиётнинг бир турдан иккинчи турга ўзгариши даврида туб ўзгаришлар юз беради. Бундай пайтда унинг алоҳида секторлари бир бутун ҳолда ҳамда уларни ташкил қилувчи субъектлар қабул қилинган қарорнинг

тўғрилигига кўп даражада боғлиқ бўлади. Технологик жараёнларни мукамаллаштириш, маънавий ва жисмоний эскирган жихоз (асбоб-ускуна)ларни замонавийсига алмаштириш, сифатли хизмат кўрсатиш салоҳияти тўғри инвестицион қарор қабул қилишни талаб этади. Бунга эса корхона фаолиятининг молиявий натижалари боғлиқ бўлади. Бу тадбиркорлар ёки менежерлар томонидан амалга оширилган энг муҳим амалий ташаббуслардан бири ҳисобланади, чунки инвестициялар молиявий ресурсларни нисбатан узоқ муддатга боғлайди.

Бизнес нуқтаи назаридан, ўз инвестицион даври мобайнида режа билан асосий мақсадга эришишга имкон берадиган ҳар қандай инвестицияларни ўзини оқлаган деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, инвестицион лойиҳаларнинг асосий мақсади бу ўринда муҳим саналади – бу нафақат уларнинг техник самарадорлиги ёки фойдани кўпайтириши, балки бизнесни стратегик лойиҳалаштиришнинг мақсади бўлиши лозим бўлган барча техник ва иқтисодий аспектларнинг энг мақбул бирикуви ҳамдир.

Масалан, телекоммуникациянинг айрим турларининг (шаҳар ва қишлоқ телекоммуникация тармоқларидаги телефонларнинг зичлиги, шаҳарлараро ва телеграф каналларнинг сифати ва чўзилганлик масофаси ва ҳоказолар) ривожланиш даражасини тавсифловчи солиштирма кўрсаткичлар таҳлили уларнинг вилоятлар бўйича анча фарқ қилишларини кўрсатди. Бу телекоммуникация соҳаси ривожининг бир текисда кетмаётганлигидан ва уни тенглаштириш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Аммо бу ерда сўз нолга нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларнинг оддий автоматик маълумоти ҳақида эмас, балки бутун вилоят хўжалиги ва телекоммуникация ривожи даражаси ўртасидаги баланс (тенглик)га эришиш борасида кетмоқда. Бу иқтисодий ва ижтимоий омилларни ҳам, географик, демографик, миллий ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради. Аввало, телекоммуникациянинг ишлаб чиқариш ресурслари ва иқтисодиётнинг барча секторларида ва иш фаолият соҳасида регионларнинг

телекоммуникация хизматига бўлган эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш зарур.

Пировард натижада, бу хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг ўзини оқламаган вариантларидан қочиш имконини беради.

Телекоммуникация соҳаси хўжалик ривожига нисбатан юқори суратлар билан ривожланмоғи лозимлиги ҳақида олимларнинг фикрлари мавжуд. Масалан, шаклланган ахборот мамлакатда бир йилда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқарув ахбороти ҳажми ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғлиқликни белгилайди. Унга кўра, мазкур ахборотни узатиш учун ахборот мажмуининг ўтказиш қуввати ЯММ ўсишидан илгарилаб кетиши лозим, акс ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш сурати пасаяди.

Телекоммуникация ва бутун вилоят хўжалигининг ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро мақбул нисбатни белгилаш учун уларнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш зарур. Шу мақсадда қиймат кўрсаткичлари ҳам, натурал кўрсаткичлари ҳам фойдаланилади. Бироқ, ушбу кўрсаткичлар алоҳида олинганда, алоқанинг ривожланиш даражасини билвосита (бир томондан) акс эттиради. Демак, капитал қўйилмалар ҳажми соҳада тўпланган барча ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олмайди, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати эса келгуси ривожланиш учун зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажминини кўрсатмайди.

Айни пайтда ҳориждан келтирилган жихозлар қиммат нархда эканлиги, тармоқдан оқилона фойдаланмаслик, мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг сифати пастлиги ва ундан фойдаланишнинг аҳволи яхши эмаслиги оқибатида ушбу кўрсаткичларнинг суммаси телекоммуникация соҳаси ривожининг юқори даражасига ҳамда унинг хизматларига бўлган талабга ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Бундан ташқари, капитал қўйилмалар ва асосий фондларнинг мутлақ катталигини, уларнинг ўсиш суратини вилоятларнинг узатиш воситаларига бўлган талаби, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан


боғламасдан туриб таҳлил қилиш бир маъноли ва асосланган хулосалар чиқаришга имкон бермайди.

Минтақанинг иқтисодиёти ва телекоммуникацияси ривожланиш даражасининг ўзаро мувофиқлигига баҳо берилганда, ҳалқаро амалиётда телефон зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик кенг қўлланилади (1.2.2-жадвал).

2008 йилда Ўзбекистонда телефон зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

1.2.2-жадвал

Вилоятлар	ЯММ млрд.сўм	Аҳоли сони минг киши	Жон бошига ўртача ЯММ мин сўм	Телефон зичлиги
Қорақалпоғистон	77,5	1483,3	52,4	6,3
Андижон	155,9	2161,3	72,2	4,2
Бухоро	140,1	1406,9	99,4	6,2
Жиззах	56,8	944,8	60,4	3,3
Қашқадарё	135,3	2123,2	63,8	3,5
Навоий	79,2	779,4	101,5	5,1
Наманган	96,4	1901,2	50,7	5,3
Самарқанд	167,9	2639,1	63,4	3,8
Сурхондарё	97,6	1709,2	57,1	3,2
Сирдарё	51,1	661,6	77,4	5,4
Тошкент	190,9	2332,1	81,9	4,9
Фарғона	211,6	2641,2	80,2	4,5
Хоразм	106	1303,6	81,5	6,8
Тошкент ш.	307,3	2154,8	142,9	22,9
Респ. бўйича жами	2048,4	24241,9	84,6	6,3



1.2.1-расм. Жип диаграммаси

Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги Жипп диаграммаси билан машҳур бўлган график боғлиқлик 1.2.1-расмда кўрсатилган. Логарифмитик миқёсдаги аҳоли жон бошига ЯИМ ва телефон зичлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тўғри чизик ҳисобланади ва вилоят кўрсаткичлари унга қанча яқин бўлса, телекоммуникация соҳаси ривожланиш даражаси иқтисодиётнинг ҳолатига шунча мутаносиб бўлади.

1.3. Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий хусусиятлари ва такомиллашув босқичлари

Корхона ва муассасаларнинг молиявий муносабатларини жаҳон андозалари даражасида шакллантириш учун, аввало, рискларни бошқариш, уларни корхона фаолиятига «зарар» етказиш даражаларини оптималлаштириш зарур. Бугунги кунда телекоммуникациялар соҳасига актив равишда қилинаётган ҳорижий ва маҳаллий молиявий инвестициялар, соҳанинг аввалги бўлимда таъкидлаб ўтганимиздек – мамлакат иқтисодиёти ва ЯИМдаги ўрнининг солмоқлашиб бориши ва бошқа омиллар ушбу соҳа корхоналарида ҳам молиявий муносабатларнинг ривожланган усулларини илмий ва амалий жиҳатдан жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу ўринда, фикримизча, телекоммуникация корхоналари фаолиятига «риск» омилининг таъсири масалаларини алоҳида тадқиқ этиш лозим.

Мамлакатимиз корхоналарида риск омилига эътибор асосан мустақиллик йилларида, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошланди. Чунки, риск омили, шубҳасиз, бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлагидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозиргача мамлакатимизда корхоналар миқёсида риск омилини бошқариш ва унинг корхона фаолиятига салбий таъсирини камайтириш бўйича аниқ услубиёт ёки методологик манбалар ишлаб чиқилмаган. Бу борада молиявий муассасалар анча олдинда боришмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида бугунги кунда банк тизимида йўлга қўйилган рискларни аниқлаш ва баҳолаш тизимини, методик ва методологик базани, ўрнатилган нормативларни, мамлакат ва халқаро даражадаги келишувларни келтириш мумкин.

Риск омилини боҳолаш ва камайтириш услубиётининг етарлича такомиллашмаганлиги, айниқса, кичик ва хусусий бизнес корхоналари фаолиятига салбий таъсир этмоқда. Давлатимиз Президенти таъкидлаганларидек, «..айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик

бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 млн. киши ёки иш билан банд одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда»⁸. Ушбу корхоналар, аксарият холларда, хали етарлича малакага эга бўлмаган одамлар томонидан бошқарилмоқда. Уларни рискларни бошқариш бўйича назарий ва амалий билимлари етарли эмас.

Шунинг учун ҳам корпоратив муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги даврда корхонанинг молиявий рискларини оптималлаштириш, уларни усул ва услубиётини тадқиқ этиш ва корхона раҳбарлари учун аниқ ва лўнда бўлган риск омилини таҳлил ва тадқиқ этиш йўллари ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунга келиб шароит ўзгарди. Ҳозирда рискнинг туб маъносини тўғри тушуниш, уни пасайтириш услубларини атрофлича англаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, фикримизча, бугунги кунда молиявий рискларни тўғри ва самарали бошқариш асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Рисклар ҳақида сўз кетганда, аввало, ушбу сўзнинг луғавий маъносига эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, кўпчилик мутахассислар ушбу сўзни ўзбек тилига «таваккалчилик», «хавф-хатар» каби жумлалар билан алмаштириб, таржима қилишади. Лекин бу жумлаларнинг биронтаси рискларнинг асл мазмунини ифодалай олмайди. Яъни, «риск» сўзининг ўзи мутлақо бошқа маънони англатгани ҳолда, йиллар давомида ишлаб чиқариш ва молиявий жараёнларда қўллана бериб, бугунги кунда кенг қамровли маъно касб этмоқда.

Аслида, «риск» сўзи италянча «risk» сўзидан олинган бўлиб, «сув остидаги қоятош» маъносини англатади⁹, яъни қадимда денгизчилар сув ости тошларини чиқиб қолиши хавфини «риск» деб аташган.

⁸ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз.-Т.: «Халқ сўзи», 10.02.2004.

⁹ Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. – К.: Ника-центр, 2000 г., Т.2, с-214.

Маълумки, бизнес бошқарувчилари учун энг катта муаммо – активларни қандай қилиб камроқ rischi, бироқ каттароқ даромадли қилиб жойлаштиришдир.

Иқтисодиётда маъмурий буйруқбозлик тизими ҳукм сурган пайтларда хўжалик юритувчи субъектлар учун фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари тегишли юқори ташкилотлар томонидан аниқланар эди. Телекоммуникация корхонаси беш йиллик режа асосида ўзларининг хизмат кўрсатиш ҳажмларини, баҳоларнинг даражасини, ўзларининг харидорлари-ю ва истеъмолчиларини билар эдилар. Шу сабабли улар ўзларининг сотув ҳажмларини, тушумларини, даромад ва фойдаларининг ҳажмларини олдиндан ҳисоблаш имкониятига эга эдилар. Шундай бўлишига қарамасдан, албатта, риск маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда ҳам ҳукм сурган бўлсада, у аксарият ҳолларда давлат буюртмасининг бажарилмаганлиги, хизмат кўрсатиш шартномаларининг бузилиши, алоқа воситалари билан таъминланмаганлик ва шу кабилар билан боғланган эди. Ўз навбатида юқоридагиларнинг ҳар бири учун жавобгарликни юқори ташкилот зиммасига юклаш ва кўрилган зарарларни эса вазирлик фонди ҳисобидан қоплаш мумкин эди. Соғлом бозор иқтисодиёти шароитида, маълумки, давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари устидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва рискнинг оқибатлари эса ишбилармоннинг гарданига юкланади.

Рисксиз бизнес бўлиши мумкин эмас. Рискнинг кўпайиши, ўз навбатида, ишбилармонлик эркинлигининг кўпайиши ҳисобланиб, маълум маънода у ўша эркинлик, ўша ихтиёрийлик учун тўланадиган «бож»дир.

Таниқли луғатчи С.И.Ожеговнинг луғатида «риск» бу «муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодисага умид» деган маънони англатади дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискка «хавф, зарар ва талофат кўриш эҳтимоли» деб қаралган. Профессор В.Т.Севрук «риск – бу ҳолат, яъни ҳар бир ишлаб

чиқарувчининг ҳолати»¹ деган таърифни берган бўлса, рус олими А.Ольшанный «риск – бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир»² деган таъриф келтиради.

Иқтисодиётда бозор муносабатларининг соғлом ривожланиши содир бўлиши билан рақобат ҳам кучая боради. Ана шу рақобат курашига чидам (бардош) бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига техникавий янгиликларни жорий этиш сари дадил ҳаракат қилмоқ лозим. Бу эса, пировард натижада, рискни кўпайтиради.

Бундай шароитда рискнинг бўлиши табиий эканлигини тан олиш, воқеликлар истикболини белгилашга ўрганиш, рискни баҳолаш ва унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларидан хатлаб ўтмаслик лозимлигини тан олишдан ўзга чора қолмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида рискларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- 1) Ишлаб чиқариш rischi;
- 2) Тижорат rischi;
- 3) Молиявий риск.

Ишлаб чиқариш rischi маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан ёки ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар қандай турини амалга ошириш билан боғлиқдир. Бу рискни вужудга келиш сабаларининг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

А) ишлаб чиқариш ёки хизмаилар ҳажмининг кўзда тутилган даражасидан пасайиши.

Б) моддий ёки бошқа харажатларнинг ўсиши;

В) юқори даражадаги (орттирилган) солиқларни ва бошқа ажратмаларни тўлаш rischi ва ҳ.к.

Ишбилармон томонидан ишлаб чиқариш ёки сотиб олинган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларни сотиш жараёнида вужудга келинадиган риск

¹ Севрук В.Т. Банковские риски. М.: Дело, 1995, стр. 3.

² Ольшанный А.И. Банковские кредитования. М.:РДП, 1997, стр. 42.

тижорат рисқи дейилади. Бу рискнинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин.

А) бозор конъюнктурасининг ўзгариши натижасида сотиш ҳажмининг камайиши;

Б) маҳсулотларни сотиш баҳосининг кўтарилиши;

В) сотиб олиш ҳажмининг кўзда тутилмаган ҳолда пасайиши;

Г) муомала жараёнида маҳсулотлар миқдори ёки турларининг ўсиши (ортиши) ва бошқалар.

Молиявий риск – бу корхонанинг банклар ва бошқа молиявий институтлар билан вужудга келадиган муносабатлари соҳасидаги рискларидан иборат. Корхона фаолиятининг молиявий рисқи, аксарият ҳолларда, унинг қарзий маблағларининг ўз маблағларига муносабати (нисбати) билан ўлчанади. Масалан, корхона қарзий маблағларининг ўз маблағларига нисбати қанча юқори бўлса, бу корхона шу даражада ўз фаолияти давомида кредиторларга боғлиқ бўлиб қолади. Шунга мос равишда молиявий риск ҳам шунча юқори бўлади, чунки кредитлаштиришнинг тўхтатилиши ёки кредит шартларининг оғирлашуви натижасида хом-ашё, материаллар ва бошқаларнинг етарли эмаслиги туфайли ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши мумкин.

Рискларни аниқлаш учун амалиётда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг орасида энг кўп тарқалиб, қўлланиладиганлари қуйидагилар:

А) статистик услуб;

Б) эксперт услуби;

В) комбинациялаштирилган услуб.

Статистик услубнинг моҳияти шундай иборатки, унга кўра у ёки бу соҳада мавжуд бўлган фойда ва зарарлар статистикаси ўрганилади, у ёки бу иқтисодий ҳосила (қайтим)нинг ҳажми ва олиниш даври аниқланади ва шуларга кўра келгуси давр учун энг эҳтимолли истиқбол белгиланади.

Рискни ҳисоблаш статистик услубининг бош (асосий) инструментлари куйидагилардан иборатдир:

- А) вариация;
- Б) дисперсия;
- В) андозали чекланиш.

Бир ҳолатдан иккинчисига ўтилганда белгининг миқдорий баҳолашни ўзгариши вариация дейилади. Бунга мисол қилиб иқтисодий рентабелликнинг йилдан йилга ўзгаришини кўрсатиш мумкин. Вариация дисперсия билан, яъни белгининг ҳақиқий даражасини унинг ўртача даражасидан фарқланиши билан баҳоланади. Кўриниб турибдики, риск даражасини баҳолаш учун, дастлаб, келгусида бизни қизиқтирадиган давр учун у ёки бу ўтган давр даражасидаги рентабелликка эга бўлиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда ўртача иқтисодий рентабелликни аниқлаш зарурдир. «0» ли эҳтимоли «қайтим» олиш имкониятининг йўқлигини билдирса, «1» лик эҳтимоли эса «қайтим» нинг шубҳасиз олиниши мумкинлигини билдиради. Бу ерда ўз-ўзидан маълумки, лозим бўлиши мумкин бўлган ҳамма вариантлар эҳтимолларининг йиғиндиси «1»га тенг бўлиши керак.

Риск даражасини статистик услуби, ўз навбатида, кўп миқдордаги рақамлар бўлишини талаб этишини таъкидлаб ўтиш зарур. Маълумки, бу айрим рақамлар ишбилармонлар ихтиёрида бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари бу рақамларни тўплаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш унга анча қимматга тушиши ҳам мумкин. Шу сабабларга кўра агар маълумотлар етарли бўлмаса ёки йўқ бўлса, риск даражасини ҳисоблашнинг бошқа усуллариға мурожаат қилинади. Шу услублардан бири эксперт услубидир. Риск даражасини ҳисоблашда эксперт услуби қўлланилганда тажрибали ишбилармонлар ва мутахассисларнинг фикрлари ҳисобга олинади. Бу жараёнда экспертлар ўзларининг фикрларини билдираётган пайтларда кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажмининг вужудга келиш эҳтимоли тўғрисидаги аниқ рақамлардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Шу

билан биргаликда, йўл қўйилиши мумкин бўлган ва критик риск эҳтимолининг эксперт баҳосига эга бўлиш ёки шу ишбилармонлик фаолияти туридаги зарарлар эҳтимолини оддий баҳолаш орқали ҳам чекланиш мумкин.

Риск даражасини аниқлашнинг статистик ва эксперт услубларининг комбинацияси амалиётда қўлланиши лозим бўлган энг қулай вариантдир.

Юқорида таъкидланганидек, риск даражасини аниқлаш (билиш) инвестицион қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион қарорни қабул қилиш (танлаш) нафақат иқтисодий қайтимга, балки риск даражасига ҳам боғлиқдир.

Мисол учун алоқа хизматини кўрсатиш учун 2 та лойиҳа мавжуд. Амалга оширилган ёки қилинган ҳисоб-китобларга кўра “А” лойиҳанинг кутилаётган қайтими 16% га, “Б” лойиҳаники эса 12% га тенг. Лекин, “А” лойиҳа “Б” лойиҳага нисбатан кўпроқ riskли лойиҳа ҳисобланиши мумкин. Ана шундай ҳолатда қайси лойиҳани танлаш мақсадга мувофиқдир?

Бу кўпгина омилларга боғлиқ. Хусусан, алоқа корхонаси раҳбарининг riskка бўлган муносабатига; корхонага хос бўлган аниқ ҳолатга; шу кун учун ниманинг энг муҳимлигига (юқори даражадаги қайтимми ёки барқарорлиқми, яъни минимал riskми?) ва бошқаларга.

“А” ва “Б” лойиҳаларга нисбатан ишбилармонлар ўз танловини билдираётган пайтда, у ўз танловини бошқа лойиҳалардан ажралган ҳолда эмас, балки улар билан боғланган ҳолда тасаввур қилиб кўриши керак. Агар биринчи лойиҳа бўйича (фаолият тури бўйича) қайтим ошса, иккинчи лойиҳалар (фаолият тури) бўйича қайтимнинг қандай ўзгараётганлиги ҳам эътиборга олинмоғи лозим. Риск даражасини пасайтириш мақсадида шундай алоқа хизматларини кўрсатиш танланиши лозимки, уларга нисбатан бўлган талаб қарама-қарши йўналишларда ўзгарсин, яъни бир маҳсулотга нисбатан талаб ошганда, иккинчи маҳсулотга нисбатан талаб пасайсин ва аксинча.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, молиявий riskлар корхонада, аввало, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари

натижасида юзага келади. Яъни, ҳар қандай молиявий муносабатнинг бош мезони бўлиб ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш муносабатлари хизмат қилади.

Корхонада рискларни аниқлаш учун фойдаланиладиган услублар 1.3.1-расмда келтирилган. Бизнингча, корхоналарда рискларни баҳолаш ва аниқлашда статистик услубдан ва унинг асосий инструментларидан кенг фойдаланиш лозим.

Ҳориждаги катта-катта телекоммуникация корхоналари риск бўйича ўзининг махсус менежерларига эга. У фирма фаолиятининг бошқа соҳаларида иш олиб бораётган бошқа менежерлар билан биргаликда riskли қарорлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.


Услублар			
Статистик услуб	Эксперт услуги	Комбинациялаштирилган услуб	
соҳада мавжуд бўлган фойда ва зарарлар статистикаси ўрганилади, у ёки бу иқтисодий ҳосила (қайтим)нинг ҳажми ва олиндиши даври аниқланади ва шуларга кўра келгуси давр учун энг эҳтимолли истикбол белгиланади	айрим рақамлар ишбилармонлар ихтиёрида бўлмаганда ёки рақамларни тўплаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш қимматга тушиши мумкин бўлганда ва маълумотлар етарли бўлмаса, риск даражасини ҳисоблашнинг эксперт услуги қўлланади	статистик ва эксперт услубларининг комбинацияси	
Статистик услубнинг асосий инструментлари			
Вариация: бир ҳолатдан (даврдан) иккинчисига ўтилганда кўрсаткичнинг (масалан, рентабелликнинг) миқдорий ўзгариши	Дисперсия: кўрсаткичнинг маълум даврдаги даражасини унинг ўртача даражадан фарқланиш миқдори	Стандарт чекланиш: кўрсаткичнинг барча даврларга хос бўлган ўзгариши	

1.3.1-расм. Корхонада рискларни аниқлаш учун фойдаланиладиган услублар

Молиявий менежер билан биргаликда riskли қарорлар бўйича жавобгарликни, риск даражасини аниқлаш масалалари, молиявий фаолият

хамма турларининг оқибатларини баҳолаш, қимматбаҳо қоғозларга инвестициялаштириш рискларини баҳолаш ва бошқалар билан риск бўйича менежерлар машғул бўлади. Анчагина муаммоларни риск бўйича менежер-маркетолог, ходимлар бўйича махсус менежер ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис билан биргаликда ҳал этади.

Агар ҳориж телекоммуникация корхоналарида мавжуд бўлган молиявий рискларни таҳлил этилса, уларни корхона молиявий фаолияти давомида фойда ёки капиталини йўқотиш эҳтимолидир, деб ифодалаш мумкин. Ушбу корхоналардаги молиявий рискларни бир неча турларга бўлиш мумкин (1.3.2-расм).



1.3.2-расм. Молиявий риск турлари

Ҳорижий давлатларда корхоналарда фаол равишда рискларни бошқарилади, яъни, бу уларни олдиндан кўра билиш, баҳолаш, олдини олиш ва суғурталаш асосида рискларни нейтраллаштиришга ҳаракат қилишдир.

Рискларни нейтраллаштиришга икки усул билан ҳаракат қилинади:

- а) ички механизмлар ёрдамида;
- б) ташқи механизмлар (суғурталаш ёрдамида).

. Рискларни камайтиришнинг ички механизмларига қуйидагилар киритилади:

а) рискларни концентрациялашувини чегаралаш:

$$K_p = \frac{MK_p}{K}$$

Бу ерда:

K_p – рискларни концентрациялашув коэффициентини;

MK_p – бир турдаги молиявий риск зонасида қатнашаётган корхона капитали миқдори

K – корхонанинг умумий капитали

б) хеджлаштириш (hedging) – бунда молиявий рискларни камайтириш учун корхона ҳосилавий (дериватив) қимматли қоғозлардан фойдаланади. Яъни, асосий молиявий воситаларнинг олди-сотди амалларини ҳосилавий қимматли қоғозлар билан суғурталайди (фьючерслар, форвардлар, опционлар билан).

в) молиявий рискларни диверсификациялаш. Таъкидлаш жоизки, барча ривожланган ҳорижий давлатларда рискларни диверсификациялаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Яъни, рискларни соҳалар ва йўналишлар бўйича тақсимлаб юбориш – уларни камайтиришнинг энг мақбул ва қулай усуллари билан биридир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, молиявий рисклар корхона фаолиятига салбий ёки ижобий таъсир этиши билан ажралиб туради. Албатта, риск омилини фақат салбий жиҳатдан қараш одат тусига кириб қолган. Лекин, ушбу омил ижобий хусусиятларга ҳам эга. Яъни, «риск-даромадлилик» муносабати нуқтаи назаридан қаралса, корхона даромадлари ошиб боргани сайин, унинг турли рисклари ҳам ортади, рискларни камайтирилса, даромадлар ҳам озайиб кетади.


Компаниялар бозор қиймати ошишининг асосий йўли фойдани кўпайтириш орқали амалга оширилади, бунда қимматли қоғозлар эмиссияси

истисно эмас. Ҳар хил маблағлар манбаи қиймати ўзгарувчан бўлганлиги сабабли савол туғилади: компания ўз қийматини капитал таркибини ўзгартириши орқали кўпайтириши мумкинми?

Ушбу муаммони риск нуқтаи назаридан ва акциядорларнинг даромадга бўлган муносабати орқали ҳам қараш мумкин. Ўзлик маблағлари ва заём маблағлари манбаи нисбати аналитик кўрсаткичларнинг асосийларидан бири ҳисобланиб, ушбу корхонага молиявий ресурсларни инвестиция қилиш риск даражасини ифодалайди. Умуман олганда, заём маблағларини жалб қилиш нафақат компания риск даражасини ўсишига, балки бунда назарий жиҳатдан бўлсада, ўзлик капитали даромадлилигини оширишга олиб келади. Одатда, молиявий ресурслар жамланиб, амалга оширилаётган янги лойиҳа иқтисодий жиҳатдан фойдали ва жозибадор бўлиши керак. Агарда ушбу фойдали лойиҳани амалга оширишга компаниянинг маблағлари етмаса, заём маблағларини жалб қилишга тўғри келади, яъни бунда даромадлиликнинг ошиши билан рискнинг ўсиши кузатилади.

Фикримизча, бу ҳолатда бир неча савол туғилади, биринчидан, кутилаётган даромадлиликнинг ошиши риск кўпайишини компенсация қилишга етадими ва иккинчидан, бу ҳолатда оптимал капитал структураси қандай бўлиши керак. Ушбу саволларга капитал структураси назарияси ривожланишига асосий ҳисса қўшган иқтисодчилар Ф.Модильяни ва М.Миллер жавоб беришга ҳаракат қилишган¹⁰.

¹⁰В.В.Ковалев. Введение в финансовый менеджмент.-М.: «Финансы», 2001.



1.3.3-расм. «Пирог тамойили» бўйича фирманинг баҳоланиши¹¹

Капитал таркибини мақсадли бошқариш ва бунинг имкониятлари бўйича 2 та асосий қараш бор: а)анъанавий; б)Модильяни-Миллер назарияси (Modiliani and Miller approach).

Биринчи йўналиш тарафдорлари: а) компания капитали қиймати унинг таркибига боғлиқ; б) ўртача ҳисобланган капитал қийматини (Weighted Average Cost of Capital - WACC) минималлаштирувчи кўрсаткич ҳамда компания бозор қийматини максималлаштирувчи капиталнинг оптимал структураси бор деб ҳисоблашади.

Кўп изланишлар шуни кўрсатадики, заём маблағларининг секин ўсиб бориши, яъни молиявий рискнинг оз миқдорда ошиб бориши акциядорлар даромадларини оширишга тезда таъсир этмайди. Лекин хавфсизлик чегарасидан ўтиши билан, ҳолат ўзгаради ва акциядорлар рискни компенсация қилиш учун кўпроқ даромадлиликни талаб қилишади.

Шу билан бир вақтда, заём капитал қиймати бошида ўзгармас бўла туриб, кейинчалик маблағлар таркибининг маълум ўзгариши билан ошиб боради. Иккинчи йўналиш - Ф.Модильяни ва М.Миллер тарафдорлари эса қарама-қарши, яъни капитал қиймати ва компаниянинг бозор қиймати баъзи шароитларда унинг структурасига боғлиқ эмас, деб таъкидлашади. Бу

¹¹В.В.Ковалев. Введение в финансовый менеджмент.-М.: «Финансы», 2001.

карашни баъзан «пирог тамойили» ҳам деб аташади: пирогни турлича бўлиш мумкин, лекин унинг миқдори, албатта, ўзгармас бўлиб қолаверади.

Жорий фаолият доимо ишлаб чиқариш ва молиявий риск билан боғланган. Ишлаб чиқариш rischi бу кўп жиҳатдан бизнеснинг тармоқ хусусиятларига, яъни корхона ўз капиталини активлар структурасига йўналтирилиши билан боғлиқ бўлган рискдир.

Корхона фаолиятининг молиявий rischi, аскарият ҳолларда, қарзий маблағларнинг ўз маблағларига муносабати (нисбати) билан ўлчанади. Масалан, корхона қарзий маблағларининг ўз маблағларига нисбати қанча юқори бўлса, бу корхона шу даражада ўз фаолияти давомида кредиторларга боғлиқ бўлиб қолади, чунки кредитлаштиришнинг тўхтатилиши ёки кредит шартларининг оғирлашуви натижасида хом-ашё, материаллар ва бошқаларнинг етарли эмаслиги туфайли ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши мумкин.

Молиявий риск нуқтаи назаридан ўз фаолиятини фақат ўзлик маблағлари ҳисобига амалга ошираётган компания, жами капиталининг 90 фоизи банк кредитларидан иборат бўлган компаниядан кескин фарқ қилади. Молиявий риск тушунчаси қўшимча капитални жалб қилиш имконияти ва шарти нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир.

Риск миқдори ва омилини баҳолаш фойда ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Молиявий терминда фойда ва ана шу фойдани олиш учун сарф қилинган активлар ёки фондларнинг баҳо қиймати орасидаги ўзаро боғлиқлик «левериж»¹² кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Оддий сўз билан айтганда, левериж тушунчасида етарли даражада оғир предметларни унча катта бўлмаган куч ёрдамида силжитиш, яъни рычаг тушунилади.

Иқтисодиётда унинг озгина ўзгариши бир қанча асосий натижаларнинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келиш фактори сифатида талқин қилинади.

¹²В.В.Ковалев. Введение в финансовый менеджмент.-М.: «Финансы», 2001.

Корхоналарнинг асосий кўрсаткичи соф фойда бўлиб, у кўп факторларга боғлиқ. Молиявий бошқарув нуқтаи назаридан тижорат корхонаси фаолиятида соф фойда, биринчидан - корхона ихтиёридаги молиявий ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланганлиги, яъни қаерга йўналтирилганлигига, иккинчидан эса - маблағлар манбаи таркиби қандайлигига боғлиқдир.

Агарда ўзгармас харажатлар улуши юқори бўлса, бу компания юқори ишлаб чиқариш левежига эга деб тушунилади. Айрим ҳолатларда бундай корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг озгина ўзгариши даромаднинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келиши мумкин, чунки корхона маҳсулот ишлаб чиқарадими ёки йўқми, бундан қатъий-назар ўзгармас харажатларни сарфлашга мажбур бўлади.

Ишлаб чиқариш левежи қанчалик юқори бўлса ишлаб чиқариш rischi ҳам шунчалик юқори бўлади. Компаниядаги ишлаб чиқариш левеж даражасини, ишлаб чиқариш ҳажми ва таннарх таркибининг ўзгариши орқали солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижага таъсир этиш имконияти, деб ифода этиш мумкин.

Тижорат корхоналари учун қарз маблағларидан фойдаланиш маълум бир харажатларга, айрим ҳолатларда каттагина харажатларга олиб келади. Фикримизча, ўзлик маблағлар ва жалб қилинган узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг оптимал нисбати қандай бўлиши ҳамда корхона фойдасига қай даражада таъсир этишини молиявий левеж категорияси билан характерлаш мумкин.

Молиявий левеж даражаси тўғридан-тўғри корхонанинг молиявий риск даражасига ва акциядорлар талаб этаётган фойда кўрсаткичига таъсир қилади. Мажбурий тўлов фоизлари қанчалик юқори бўлса, шунчалик соф фойда камаяди, яъни молиявий левеж қанчалик юқори бўлса, корхона молиявий rischi ҳам шунчалик юқори бўлади.

Компаниялар рискни пасайтириш, бунда молиявий левериж самарасига эришиш учун турли усулларни қўллайдилар. Шулардан бири диверсификация усулидир.

Компания қимматли қоғозларни бешта портфел бўйича тақсимлаган бўлсин:

- 1) ғазначилик билетлари портфели (қисқа муддатли векселлар), яъни ҳукуматнинг бир йилдан кам муддатда қоплашга мўлжалланган мажбурий қимматли қоғозлари;
- 2) ҳукуматнинг узоқ муддатли облигациялари портфели;
- 3) узоқ муддатли корпоратив облигациялар;
- 4) йирик фирмалар оддий акциялари портфели;
- 5) кичик фирмаларнинг оддий акциялари портфели.

Бу инвестицион портфеллардан ҳар бири ҳар хил даражадаги риск билан фарқланади. Энг хавфсиз инвестиция бу давлат ғазначилик векселларидир. Улар мажбуриятларини қоплаш бўйича риск хавф солмайди ва қоплаш муддатини қисқалиги улар баҳосини собитлигини билдиради. Яъни, уч ой муддатга қарз бермоқчи бўлган инвестор уч ойга давлат ғазначилик векселларини сотиб олиб, ўз хавфсизлигини кафолатлаши мумкин. Аммо ҳақиқатда инвесторга реал даромадини кафолатламайди, чунки инфляция туғдирадиган ноаниқлик доимо мавжуддир.

Узоқ муддатли давлат облигациялари билан қизиқиб, инвестор фоиз ставкалари ўзгариши билан нархлар ўзгарувчанлигига эга бўлган активларни харид қилади (облигация нархи тушганда, фоиз ставкалари ўсади ва аксинча). Давлат облигацияларидан корпоратив облигацияларига ўтиб, инвестор ўз зиммасига қўшимча равишда мажбуриятларни бажармаслик рискин олади (яъни қарз олувчининг тўлай олмаслик риски).

Маблағларини оддий акцияларга қўйилиши билан инвестор янада чуқурроқ корхонани ишбилармонлик рискига ўрайди.

Америка давлатида ўтказилган кўп йиллик материаллар асосида инвестицияларни турли қимматли қоғозларга диверсификация қилиш жараёнида рискларни ўзгариши қуйидагича намоён бўлади¹³.

Ғазначилик векселига қўйилган бир доллар энг хавфсиз ҳисобланади ва у 75 йилдан кейин тахминан 16,5 долларга етган ҳамда даромад даражаси инфляциядан биров ошган.

Узоқ муддатли ғазначилик облигацияларига қилинган инвестициялар 49 доллар даромад келтирган, корпоратив облигацияларга эса бундан биров юқорироқдир.

Аммо оддий акциялар бу борада алоҳида бир жиҳатга эга. Йирик америка компаниялари акцияларига қўйилган доллар инвестор учун 2587 доллар келтирган. Лекин бундан ҳам юқорироқ даромадни кичик корхоналарга қўйилган маблағлар келтирган, яъни 6402 доллар ҳар бир инвестиция қилинган доллар учун.

Бундан ташқари Ibbotson Associates 1926 йилдан 2000 йилгача бўлган ҳар бир йил учун барча бу портфелларни даромадлилигини ҳисоблаб чиққан. Ушбу кўрсаткич фақатгина пул маблағлари – фоизлар ёки дивидендлар эмас, балки йил давомида капитални ўсиши ёки камайишини (яъни, қийматини ўсиши ёки камайиши) кўрсатади. 75 йил давомида ҳозирги вақтга қадар ғазначилик векселлари жуда кичкина даромадлилиги билан фарқланади: номинал ифодада 3,9% ва реал ифодада 0,8%. Бошқача қилиб айтганда ўртача инфляция бу давр учун йилига 3%ни ташкил этган.

Оддий акциялар бу ерда ҳам етакчи мавқега эга. Йирик корпорацияларнинг акцияси ғазначилик векселларидан юқори ўртача йиллик риск учун 9,1% мукофотни таъминлаган. Кичик корхоналарнинг акциялари учун рискга янада юқори мукофот хосдир.

Ўртача даромадлиликни баҳолаш учун нега бундай узоқ давр олинди? Бунинг сабаби оддий акцияларнинг ўртача даромадлилиги жуда ўзгарувчан

¹³ Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.-М.: «Финансы», 2004.

ва қисқа даврда уларнинг ўртача даромади унча катта эмас. Фақатгина узок муддат давомида даромад қийматларини ўрганиш орқали уларни тенденцияларини илғаб олишимиз мумкин.

Ўрта арифметик ва мураккаб ҳисобланган йиллик даромадлилик ўрта арифметик қийматларда кузатилади. Бошқача қилиб айтганда, биз оддийгина 75 йил ичидаги йиллик даромадларни қўшиб, йиғиндисини 75 бўлдик. Ўртача арифметик давр мобайнида мураккаб ҳисобланган йиллик даромаддан юқоридир. Шундай қилиб, 75 йиллик мураккаб ҳисобланган йиллик даромад 11 фоизга тенг.

Масалан, “Алоқа” компаниясининг оддий акциялари баҳоси 100 долларга тенг. Йил охирига улар 90, 110 ёки 130 долларга тенг бўлиши мумкин. Демакки, даромад -10%, +10% ёки +30%га тенг бўлиши мумкин (бу ҳолатда “Алоқа” дивидендлар тўламайди деб ҳисобланади). Демак, кутилаётган даромадлилик:

$$(-10\% + 10\% + 30\%)/3 = +10\% \text{ га тенг.}$$

Бошқа тарафдан кўриб кутилаётган даромадлилик бўйича кутилаётган пул оқимини дисконтлаш орқали “Алоқа” акциясининг ҳозирги қийматини топиш мумкин:

$$PV = \frac{110\$}{1,10} = 100\$$$

Бундан шу келиб чиқадики, кутилаётган 10 фоизли даромадлилик – бу “Алоқа” акциялари яратадиган кутилаётган пул оқими учун мос дисконтлаш ставкаси. Бундан ташқари, унинг ўзи “Алоқа”га ўхшаш риск гуруҳига кирувчи инвестиция учун капитал жалб қилишни альтернатив харажатларига киради.

Энди “Алоқа” акциялари даромадлилигини йиллар давомида қийматини таҳлил қилайлик. Мумкин бўлган -10 фоизли даромадлилик натижаларини ўзгармас эҳтимолликлари кузатилаётган умумий йиллар сонининг учдан бир қисмига тўғри келади, +10% яна учдан бир қисмига ва +30% - қолган

йилларга. Ушбу йиллик даромадлилик қийматларини ўртача арифметиғи қуйидагига тенг:

$$\frac{-10\% + 10\% + 30\%}{3} = +10\%$$

Ўртача арифметик даромадлилик “Алоқа”ни ҳам ўхшаш риск гуруҳига кирувчи инвестиция учун капитал жалб қилишни альтернатив харажатларига киради.

Агарда мураккаб ҳисобланган ўрта йиллик даромадлилиги тўғрисида гапирсак, унда “Алоқа” акциялари қуйидагига тенг бўлиши керак:

$$(0,9 * 1,1 * 1,3)^{1/3} - 1 = 0,088 \text{ ёки } 8,8\%$$

Бу эса капитал жалб қилишнинг альтернатив харажатларидан кам. Инвесторлар бозорда 10% даромадлилик келтирадиган инвестициялар мавжуд бўлганда, 8,8%ли даромад келтирувчи инвестицияга пул қўймайди. Бундай лойиҳани соф келтирилган қиймати қуйидагига тенг:

$$NPV = -100 \$ + \frac{108,8\$}{1,10} = -1,1 \text{ доллар}$$

Асосий хулоса: олдинги йиллардаги риск учун даромадлилик ёки мукофотлар бўйича капиталга харажатларни баҳолаш, ушбу мақсад учун мураккаб ҳисобланган йиллик даромадлиликни ўрнига ўртача арифметик даромадлиликни қўйилмайди.

Дисперсия ва ўртача квадратик фарқни ҳисоблашнинг оддий мисол орқали кўриш мумкин. Мисол учун, қуйидаги ўйин ўйнашга имконият берилди. Дастлаб ўртага 100 долларни (инвестиция) қўйдик. Кейин иккита тангани ташлаймиз. Танганинг ҳар бир тушган “ютук” томони учун қўйган

пулни ва унга қўшилган 20% устама оламиз. Ҳар бир “зарар” учун қўйилган маблағдан 10% чегирма берилади. Бу ўйиннинг тўрт хил эҳтимоли бор:

- “ютуқ” + “ютуқ” = 40% даромад,
- “ютуқ” + “зарар” = 10% даромад,
- “зарар” + “ютуқ” = 10% даромад,
- “зарар” + “зарар” = 20% зарар.

Тўртга бир эҳтимоллик билан (ёки 0,25) биз қўшимча 40% ютуққа эга бўламиз, тўрттадан иккита эҳтимоллик билан (ёки 0,5) биз 10% ютуққа эга бўламиз, тўртдан бир (ёки 0,25) эҳтимоллик билан 20% зарар кўрамиз. Ўйиндан кутилаётган даромадлилик ўртача эҳтимоллилик натижасига тенг:

$$\begin{aligned} \text{Кутилаётган даромадлилик} &= 0,25 \cdot 40\% + 0,5 \cdot 10\% + 0,25 \cdot (-20\%) = \\ &+ 10\%. \end{aligned}$$

Хулоса қилиб айтсак, телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда унинг фонд бозоридаги иштироки, ўзлик ва жалб этилган маблағлари ўртасидаги муносабат каби молиявий механизмлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу механизмларни компанияга фойда келтиришини таъминлаш учун риск ва молиявий левежиж каби омилларни таҳлил этиш ва уларни самарали равишда оптималлаштириб бориш лозим. Бунинг учун жаҳон компаниялари амалиётида қўлланилаётган молиявий ҳисоб-китоблар амалиётдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Телекоммуникация хизматлари бозори ҳозирги ҳолатининг таҳлили

Телекоммуникациялар инфраструктураси

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши натижасида, республиканинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, магистраль шаҳарлараро ва вилоят ичидаги алоқа линияларида умумий узунлиги 10.000 кмдан ортиқ бўлган оптик-толали кабель ҳамда рақамли радиорелели линиялар ўтказилди, 430 телевизион ва 116 та радиоузаткич такомиллаштирилди ва ўрнатилди, республика регионларида CDMA стандартидаги симсиз радио кира олиш тизими жорий қилинди.

Миллий маълумотлар узатиш тармоғини такомиллаштириш ва режалаштириш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 240 та замонавий маълумотлар узатиш узели вужудга келтирилди, барча вилоят ва туман марказлари миллий маълумотлар узатиш тармоғи билан қамраб олинди.

Стационар ва мобил алоқа

Ҳозирги вақтда Республика маҳаллий тармоғи таркибида умумий ўрнатилган сиғими 2 млн. рақамдан иборат, улардан 80 фоизини рақамли АТС ташкил қилади, 2 мингдан ортиқ АТС бор. АТС нинг ишга туширилган сиғим коэффиценти 88,4 фоизни, телефон зичлиги 100 та яшовчига 6,9 телефонни ташкил қилади. Республика шаҳар ва туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоқлари билан 100 фоиз қамраб олинган. Қишлоқ аҳоли пунктларининг телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинганлик даражаси 90 фоизни, шу жумладан, рақамли тармоқлар 52 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга, бу каналларда оптик-толали ва йўлдошли тизимлардан фойдаланилади.

Кейинги вақтда мобил алоқа хизматлари бозори ҳам тез ривожланмоқда. Республикада мобил алоқа абонентларининг сони 2008 йил 01.07 га келиб 9,00 млн.ни ташкил этди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан телекоммуникация бозорида ҳам шиддатли ривожланиш бошланди, у янги (муқобил) алоқа операторлари вужудга келишида намоён бўлди. Бу нарса, асосан, корпоратив секторни телефонлаштиришга таалуқли.

Ўзбекистоннинг асосий телекоммуникациялар хизматлари бозордаги рақобат МДХ га кировчи бошқа мамлакатлардагига қараганда, секин ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда телекоммуникациялар бозорида «Ўзбектелеком Интернэшнл», «Buzton», «East Telecom» ҚК лари, шунингдек, «Platinum Connect» савдо белгиси асосида «Unitech» ҚК ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «Ўзбектелеком Интернэшнл» ҚК устав фондида 59,8 фоиз, «Buzton» ҚК – 43,52 фоиз, «East Telecom» ҚК – 30 фоиз, «Unitech» ҚК устав фондида 20 фоиз улушга эга. Бироқ, юқорида кўрсатилган компаниялар муайян хизматлар бўйича рақобат яратади.¹⁴

«Buzton» ҚК. Бу қўшма корхона рақамли оптик-толали технологиядан фойдаланади ва ҳозирда Ўзбекистонда ягона тўлиқ рақамли алоқа тармоғига эга. Тармоқ ускунаси, жумладан, SDH узатиш тизимлари, SystemX коммутация станцияси ва бошқа ускуналар Marconi Communications Ltd., Huawei Technologies Co. Ltd., Cisco Systems, Ericsson каби телекоммуникация ускунаси ишлаб чиқарадиган жаҳондаги етакчи корхоналар томонидан етказиб берилган.

¹⁴ «Ўзбектелеком» АК йиллик ҳисоботи - 2008

Ўтган йиллар давомида бу тармоқ катта миқдордаги алоқа узелларига эга бўлган, кенг ёйилган алоқа тармоғига айланди. 2000 йилда компания ўзининг оптик-толали тармоғи базасида маълумотлар узатиш, жумладан, Интернетдан фойдаланиш тармоғини курди ва фойдаланишга топширди. Интернетдан фойдаланиш Интернет тармоғи учун мўлжалланган тармоқ технологиялари соҳасида етакчи бўлган Cisco аппарат комплекси ёрдамида таъминланади.

2001 йилдан бошлаб компания Ўзбекистон Республикасининг бутун худуди бўйлаб, телефон алоқа хизматларини тақдим этиш ҳамда маълумотлар узатиш ўзининг фаолиятини кенгайтиришга киришди.

«Buzton» ҚҚ тармоғининг асосини қуйдагилар ташкил этади:

- System X қувватли базавий рақамли коммутация станцияси;
- Оптик-толали алоқа линиялари;
- SDH узатиш тизимлари;
- Кўтариб юриладиган рақамли концентраторлар ва мультимплексорлар.

STM-4 (622 Мбит/сек) базасидаги SDH узатиш тизимлари зарур йўналишларда 2 Мбит/сек оқимларни ташкил қилиш имконини беради. Шунингдек оптик-толали кабель орқали айрим абонентлар ёки олисдаги концентраторларгача 8х2 Мбит/сек олиш имконини берадиган оптик интерфейс ускунасидан ҳам фойдаланилади.

ЕМ-OS тармоқни бошқариш тизими тармоқ конфигурациясини тезда ўзгартириш ва янги йўналишлар яратиш имконини беради.¹⁵

«East Telecom» ҚҚ. Ўзбекистон – Британия – Россия қўшма корхонаси «East Telecom» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ташаббусига кўра, «Ўзбектелеком» АК, шунингдек, «Eastwell S, A, Ltd.» (Буюк Британия) ҳамда «Эликс кабель» (Россия) компаниялари иштирокида, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш миллий дастурини ва

¹⁵ «Buzton» ҚҚ расмий интернет сайтидаги маълумот

телекоммуникация хизматларининг кенг спекторини тақдим этиш мақсадида тузилган.

«Eastwell S.A. Ltd.» компанияси «East Telecom» ҚК нинг стратегик ҳамкори ҳисобланади, у ҚК устав фондининг 51 фоизига ва «Эликс кабель» ассоциациялашган компанияси орқали 19 фоизга эгалик қилади. Қўшма корхона 2003 йилнинг сентябрида ташкил қилинган. Тижорат фаолиятини 2004 йилнинг августидан бошлаган.

«East Telecom» ҚК нинг мақсади энг янги авлод рақамли тармоқ - Next Generation Network (NGN) дан фойдаланиб кўп функцияли телекоммуникация тармоғини қуриш орқали телекоммуникация соҳасида хизматлар спектрини такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳисобланади.

«East Telecom» ҚК Ўзбекистондаги янги авлод тармоқларини лойҳалаш ва улардан фойдаланишни амалга ошираётган биринчи ва ягона компания ҳисобланади. Янги авлод тармоғи (NGN) пакетли коммутация афзалликларига ва самарадорлигига эга бўлган маълумотлар узатиш ва видео тасвирлар овоз функцияларини, хизмат кўрсатиш сифати (Quality of Service, QoS) ни бирлаштириш имконини берадиган замонавий ечимларни ўзида ифодалайди. NGN тармоғи технологиялар ва тармоқлар қўшилишида акс этадиган, мавжуд телекоммуникация тармоқларининг эволюциясини билдиради. Шу туфайли, классик телефония хизматларидан тортиб турли ҳил маълумотлар узатиш хизматларигача ёки уларнинг бирикмаси бўлган хизматларнинг кенг тўплами таъминланади.

«East Telecom» ҚК тармоғи – бу овоз маълумотларни ягона тармоқ муҳитида узатишни тутиб турувчи янги тармоқ архитектурасидир. У интернетдан кенг полосали фойдалана олиш (100 Мбит/сек), пакетли телефония, VPN, «талабга кўра видео», ажратилган кенг полосали каналлар каби хизматлар тақдим этилишини таъминлайди, шунингдек, янги комплекс хизматларни жорий қилиш учун имкониятлар яратади.

«East Telecom» ҚК рақамли телефон тармоғи энг илғор замонавий технологиялар туфайли боғланишларнинг юқори сифатли ва ишончли бўлишини таъминлайди. Қўшма корхона рақамли телефония хизматларининг тақдим этишининг асоси Тошкент шаҳри ва Республиканинг барча вилоят марказларини қамраб оладиган транспорт тармоғи ҳисобланади.

Халқаро чақирувлар йирик оператор бўлиши «Ўзбектелеком» АК каналлари орқали юборилади. «East Telecom» ҚК тармоғининг барча магистрал боғланишларида оптик-толали кабелдан фойдаланиш ҳалақитларни, кечикишини, эхо сигнални истесно қилади.

«East Telecom» ҚК нинг барча мижозлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди учун ягона бўлган 150-xx-xx телефон рақамларидан фойдаланадилар, бунда «East Telecom» ҚК тармоғи ичидаги қўнғироқлар учун абонент жойлашган ердан қатъи назар, ягона тариф бўйича ҳақ тўланади.¹⁶

Мобил алоқа бозори. Ўзбекистон мобил алоқа бозорида тармоқнинг бирлашиш ва кичик операторларни сиқиб чиқариш жараёни кузатилмоқда. 2001 йилдан бугунги кунгача Uzdunrobita компаниясининг бозор улуши 16,32 фоизга, Unitel ники 5,29 фоизга ошган бўлса, мобил алоқа бошқа операторларининг улуши 21,62 фойизга камайди. Олти йил ичида бозордан UzMascom ва SkyTel каби операторлар чиқиб кетди, Coscom нинг улуши 2001 йилда 22,2 фоиз ҳозирда 11,0 фоизга тушиб қолди.

2007 йилнинг январидан июнигача Uzdunrobita компаниясининг улуши 1,33 фоизига қисқарди, Unitel нинг улуши эса, 4,53 фоизга ошди. Умуман, ярим йил ичида Coscom, Perfectum Mobile ва «Ўзбектелеком Мобайл» компанияларининг жами улуши 18,5 фоиздан 15,3 фоизга қисқарди. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, «Coscom» нинг улуши деярли 11 фоизни, Perfectum Mobile – 4,5 фоиз, «Ўзбектелеком Мобайл» ники 0,3 фоизни ташкил қилади. 2010 йилнинг охирига бориб, Uzdunrobita компаниясининг

¹⁶ «East Telecom» ҚК расмий интернет сайтидаги маълумот

улуши 50 фоиздан юқорида қолади, Unitel ники тахминан 32 фоизни ташкил этади, Coscom улуши 11 фоизгача ошади.

Ўзбекистонда мобил алоқа компанияларининг бозор улуши

2.1.1-жадвал

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007 йилнинг I-чи ярим йиллиги
Uzdunrobita	35,65 %	32,09 %	47,49 %	56,35 %	51,6 %	53,31 %	51,97 %
Unitel	27,42 %	33,36 %	26,85 %	22,35 %	30,25 %	28,18 %	32,71 %
бошқалар	36,93 %	34,56 %	25,66 %	21,30 %	18,15 %	18,51 %	15,31 %

2010 йилга келиб мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 13,2 млн. кишини (кириш даражаси 47,4 фоиз), 2015 йилга келиб эса, 15,2 млн. кишини (кириш даражаси 53,6 фоиз) ташкил этади. Битта абонентдан келадиган тушум (ARPU) тахминан 12,0 долларни ташкил этишини ҳисобга олинса мобил алоқа бозорининг умумий сифими ҳозирги вақтда йилига тахминан 538 млн. долларни, ташкил қилади, 2012 йилга келиб эса, 2,2 млрд. долларга етади.¹⁷

2012 йилгача Ўзбекистонда мобил алоқа бозорининг
ривожланиш прогнози

2.1.2-жадвал

	2005	2006	2007П	2008П	2009П	2010П	2011П	2012П
Абонент сони, млн.	1.2	2.7	4.9	8.8	11.5	13.2	14.5	15.2
Кириш даражаси, фоиз	4,4 %	10,2 %	18,2 %	32,4 %	41,7 %	47,4 %	51,6 %	53,6 %

Интернет тармоғи¹⁸

Фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқларидан, жумладан, Интернетдан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида, йўлдошли ва ердаги рақамли каналлар ёрдамида бевосита алоқа ташкил қилинган. Интернет тармоғига уланишни таъминлайдиган халқаро каналларнинг ўтказиш қобилияти 2009 йил 1 октябрь ҳолатига кўра маълумотларни узатиш бўйича, шу жумладан, интернет тармоғига улаш бўйича хизматлар кўрсатувчи

¹⁷ «AVESTA RESEARCHES» компаниясининг тайёрлаган расмий ҳисоботлари асосида

¹⁸ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №5. 2009. 14 – 15 б.


хўжалик юритувчилар сони 921 тага етди, жамоавий фойдаланиш пунктларининг умумий сони 963 тани ташкил қилди. Ўзбекистон Республикасида бутунжаҳон тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,6 млн нафарни ташкил қилади, яъни, ҳар 1000 фуқорога 93,5 фойдаланувчи тўғри келади. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги 1125 Мбит/с. га етди.

Ахборот ва билимлардан фойдаланиш. .UZ домен зонаси

2007 йил 01.07 га келиб, «.UZ» домени зонасида 4,5 мингдан ортиқ веб-сайт бор эди, яъни 100000 кишига 18 сайт тўғри келди. .UZ зонасида доменларни рўйхатдан ўтказиш 6 та расмий рўйхатга олувчи томондан амалга оширилади. UZ зонасида рўйхатга олинган доменлар сони бугунги кунда 9200 тадан ошиб кетди.

Интернетдан фойдаланиш баҳоси

Интернет мониторинги ва ундан фойдалана олишликни баҳолаш мақсадларида, компьютерлаштириш билан бир қаторда, Интернетдан фойдаланиш баҳоси ҳам аҳамият касб этади.



2.1.1- расм. Интернет тармоғидан 1 соат фойдаланиш баҳоси

Ахборот ресурслари

UzSciNet илмий ва таълим тармоғи Ўзбекистон Республикаси илмий, таълим, тиббиёт муассасаларига, ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларга Интернетдан пулсиз фойдалана олиш тақдим этилишини; ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар ўқитилиши ва тайёрланиши; Ўзбекистон Республикаси илмий ва маданий бойликлари тўғрисида ахборот тарқатилишини таъминлайди.

Миллий излаш тизими WWW.UZ келажакда Интернет тармоғи миллий сегменти барча фойдаланувчилари ахборотдан тезда фойдалана олишларид асосий дастак бўлиб қолиши керак.

«ZiyoNet» жамоат таълим ахборот тармоғи – бу ягона ахборот ресурсига эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғи бўлиб, ўқув-таълим, илмий, ёшлар ва болалар муассасалари ва ресурсларини бирлаштиради.


Давлат ахборот ресурслари портали «GOV.UZ» глобал Интернет компьютер тармоғидаги асосий ва расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Бу ресурс Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисида фуқароларни ва халқаро жамоатчиликни янада кенг хабардор қилиш, шунингдек, давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ахборот ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик миллий маълумотлар базасининг ахборот қидирув тизими «Lex Uz» аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларидан кенг фойдалана олишини таъминлаш, жамиятнинг ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такоммиллаштириш мақсадида тузилган.

Жамоа бўлиб фойдаланиш

Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари фаолиятини лицензиялаш тартибининг соддалаштирилиши ҳам, уларнинг сони ошишини таъминлади. Маълумотлар узатиш тармоқларининг қатор операторларида

мавжуд бўлган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларини ҳисобга олган ҳолда, республикада бундай пунктларнинг умумий сони 680 тага етди (2002 йил бошида 26 та эди).



2.1.2-расм. Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларининг сони

Потенциал яратиш. Миллий сиёсат

Таълим муассасаларини ахборотлаштириш, ўқувчиларни АКТ дан фойдаланишни кенгайтириш, электрон ўқув қўлланмалари ва курслар тузиш жараёнлари жадал бормоқда, лекин ҳали унча етарлича эмас. АКТ ни самарали бошқаришда молиявий ресурслар ва одамларнинг етишмаслиги туфайли, мамлакат регионлари ва олий ўқув юртлари бўйича электрон тайёрлик кўрсаткичлари тарқоқ. Таълим муассасаларини ўртача даражаси ривожланган мамлакатлар даражасидан орқада.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қабул қилинган дастурга мувофиқ олиб борилмоқда: жумладан, 2002 йилда Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари унверситетига айлантирилди (ТАТУ). 2003 йилда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази тузилди. 2005 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига мувофиқ, Тошкент ахборот технологиялари университети «АКТ соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича бош олий ўқув юрти» ҳисобланади. 2005 йилда Самарқанд,

Фарғона, Урганч, Нукус ва Қарши шаҳарларида ТАТУ филиаллари очилди. 2006 йилда ТАТУ қошида ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон - Ҳиндстон маркази очилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида саводхонлик

Алоҳида эътибор, дастурий таъминот соҳасида мутахассислар тайёрлашга қаратилмоқда. Жумладан, ТАТУ да бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган «Дастурлаш технологиялари», «Компьютер тизимлари ва тармоқлари», «Амалий математика», «Электрон тижорат», «Ахборот хавфсизлиги», «Мухандислик ва компьютер графикаси» каби кафедралар иш олиб бормоқда. Мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг «Дастурлаш ва тармоқ технологиялари» кафедрасида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ахборот технологиялари ва менежмент» факультетида олиб борилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети қошида Huawei Technologies (Хитой), NEC (Япония) компьютерлари билан биргаликда тузилган ўқув марказлари, CISCO регионал академияси, АКТ соҳасида аёлларни тайёрлаш маркази, Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари маркази ишламоқда. Халқаро келишувлар асосида бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича талабларни ўқитиш, шунингдек, ТАТУ профессор ўқитувчи таркиби малакасини Россия, Малайзия, Корея, Хитой, Украина, Ҳиндистонда ошириш амалга оширилмоқда. Жумладан, 2007 йил мобайнида ҳорижда 29 та мутахассис тайёрланди. Дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимида тижорат ўқув марказлари мавжуд. Бу ўқув юртлари мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш сертификатлаштиришни тақдим этади (шу жумладан халқаро тан олинган сертификатлаштириш бўйича).

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш 2009 йилнинг биринчи ярим йили мобайнида 2-даража (профессионал) курслари бўйича

351 тингловчи ўқитди ва тайёргарликдан ўтди. Бугунги кунда Марказда ТАТУ талабаларидан 130 таси ўқимокда. 624 та тингловчи стажировкадан ўтдилар. Ушбу Марказда 2007 йил апрелидан «bePRO» касбий ўқитиш лойҳаси старт олди. Лойҳа доирасида аҳоли учун тижорат ўқитиш курслари олиб борилмоқда ва мунтазам равишда қабул ўтказилмоқда.

ПРООН «АКТ сиёсати» (ICTP) лойҳаси электрон ҳукумат, тармоқ технологиялари, АКТ лойиҳаларини бошқариш, АКТ соҳасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин ва очик таъминот йўналишлари бўйича давлат хизматлари, ўқитувчи ва талабалар учун мўлжалланган тренинглар, семинарлар, думалоқ стол ва маслаҳатлашувлар, ўқув материаллари ва қўлланмалар ишлаб чиқиш орқали ҳасида саводхонликни яхшиланишига қўмаклашади. Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида АТ бўйича волонтерлар хизмати ишламоқда. Бу ерда Тошкентдаги олий ўқув юртлари талабаларини, улар томонидан ахборот технологиялари имкониятлардан нотижорат ташкилотларда, давлат муассасаларида, ўқув юртларида фойдаланиш бўйича қўмак кўрсатиш мақсадида, ўқитиш ташкил қилинган.

Ўзбекистонда «Ахборот асри қизлари» лойиҳаси мавжуд. Унинг мақсади, Ўзбекистоннинг энг иқтидорли қизларини ахборот технологияларининг имконияти билан таништириш ва уларда етакчилик кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Халқаро ва регионал ҳамкорлик

Ўзбекистонда Халқаро Вестминстер университети фаолият кўрсатмоқда. У «Ахборот технологиялари бизнесда» ихтисослиги бўйича талабалар тайёрлайди. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалининг «Амалий математика ва информатика» факультетида мутахассислар тайёрлаш олиб борилмоқда. Ҳар йили Тошкентда Шимолий-Шарқий Европа регионининг Middle Asia гуруҳида дастурлаш (АСМ - ICPC) бўйича университетлар ўртасида халқаро команда чемпионати бўйича мусобақалари ўтказилиб турилади.


Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш

Компьютер инцидентларининг олдини олиш хизмати

Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, 2005 йилда Марказий Осиёдабиринчи мартда компьютер инцидентларининг олдини олиш хизмати (UZ-CERT) ташкил қилинди. UZ-CERT миллий ахборот тизимлари ва Интернет тармоқ сегментида фойдаланувчилар учун, компьютер инцидентлари бўйича ахборот тўпланиши ва унинг таҳлил қилиниши, фойдаланувчиларга ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олишда маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатилишини таъминловчи ягона марказ ҳисобланади.

UZ-CERT маълумоти бўйича ахборот хавфсизлиги бўйича инцидентлар ва уларга таҳдидлар статистикаси:

- 20 фоиз бузишлар форумларга тўғри келади;
- бузилишларнинг 35 фоизи эътиборсиз, серверларда стандарт пароли ишлатилмайдиган скриптларни қолдирадиган маъмурларга тўғри келади;
- бузилишларнинг 15 фоизи буюртма бўйича дизайн-студияларда ишлаб чиқилган веб-иловаларни бошланғич кодидаги хатолар туфайли мумкин бўлди;
- бузилишларнинг 20 фоизи почта орқали зарарли коди бўлган дастурларни фойдаланувчиларнинг идентификацион ахборотни, унинг шахсий маълумотларини, жумладан, паролларини ўғирлаш мақсадида юбориш ҳисобига юз беради;
- бузилишларнинг 10 фоизи серверлардаги дастурий таъминот бўш бўлганлиги ва версиялар вақтида янгиланмагани туфайли юз беради.



2.1.3-расм. Ахборот хавфсизлиги бўйича инцидентлар ва таҳдидлар статистикаси

UZ-CERT доирасида UZ-CERTified дастури амал қилмоқда. У Интернет тармоғи миллий сегменти фойдаланувчиларга ўз веб-сайтларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини текшириш имкониятини берди.

Очиқ калитлар инфраструктурасини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117 сонли Қарори билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатланган орган сифатда белгиланган. 2006 йил 15 мартда Ўзбекистонда биринчи электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази очилди. Марказ электрон тижорат, Интернет-банкнинг, муҳофаза қилинган ҳужжат айланиши ҳамда очиқ калитли инфраструктура технологияларидан фойдаланувчи бошқа тизимларни ривожлантиришда зарур компонент ҳисобланади.

ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш Марказининг фаолиятини бошлаши мамлакат очиқ калитлар инфраструктураси ривожланишига ҳамда

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида» Қонунлари қоидаларини амалга оширишда ёрдам беради.

ФТМТМ қошида ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш Маркази томонидан ЭРИ ва миллий стандартлар асосида шифрлашдан фойдаланувчи ҳимояланган электрон почта тизими Е-ХАТ тизими дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Бу хизматдан оммавий фойдаланиш мақсадида ҳимояланган электрон почта тизими «UzNet» филиалининг маълумотлар узатиш тармоқларида ўрнатилди. Шу йилнинг февралидан ушбу хизматдан Интернетнинг исталган фойдаланувчиси фойдаланиши мумкин бўлди. Ҳимояланган электрон почта тизими Е-ХАТ шунингдек, Бухоро вилояти Ҳокимиятида ўрнатилган.

ФТМТМ қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш Маркази тармоқлардаги веб-серверларни идентификация қилиш, шунингдек, веб-серверлардан фойдаланишда ҳимояланган SSL протоколидан фойдаланиш учун веб-серверлар учун рақамли SSL сертификатларини бериш бўйича хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2007 йил 25 майда ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш Марказини давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тўғрисидаги /2-/гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар Илмий ахборот марказига берилди. Бу Марказ томонидан солиқ тизимининг 6888 фойдаланувчисига ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатлари берилди.

Қулай муҳит

Қонун ҳужжатлари

Амалдаги қонунчилик АКТ нинг мавжуд ривожланиши даражасини тартибга солади, фирмаларнинг телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари бозорига кириб бориш тартибини белгилайди, бу бозорда

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг умумий принципларини, уларни солиққа тортиш шартларини, қонунчилик бузилиши юзасидан жавобгарлик даражасини ўрнатади. Ҳозирги вақтда тармоқ фаолияти 17 дан ортиқ қонун билан, жумладан, Конституция, Фуқаролик, Солиқ кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс билан тартибга солинади.

Қуйида Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги давлат сиёсатини белгилайдиган махсус қонунлар келтирилади:

- Алоқа тўғрисидаги қонун;
- Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун;
- Радиочастота тўғрисидаги қонун;
- Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун;
- Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун;
- Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун;
- Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун;
- Фаолиятнинг баъзи турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун;
- Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун;
- Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун;
- Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун;
- Электрон тижорат тўғрисидаги қонун.

Қонунчилик ҳужжатларининг кўпчилигини Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари, шунингдек, АКТ ривожланишини турли жиҳатларини тартибга солувчи тармоқ норматив ҳужжатлари ташкил қилади. Жумладан, Президентнинг 2003 йил 30 майдаги (ПФ-3080-сон) Фармони, Ҳукуматнинг 2002 йил 22 августдаги (296-сон) ва 2002 йил 23 сентябрдаги (328-сон) Қарорлари билан жамиятнинг компьютерлаштирилиш ва АКТ дан фойдаланиш жараёнини рағбатлантирувчи махсус солиқ ва божхона имтиёзлари ўрнатилди.

Ахборотлаштириш хизматларининг янги турларини ривожлантириш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатни айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида» Қонунлари, шунингдек, «Ахборотлаштириш тўғрисида» Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ҳукумат томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича имкониятларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2006 йил 1 январдан бошлаб компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланадиган кичик фирма ва корхоналар учун ягона солиқ тўлови илгариги 13 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

Эркин илмий техника зоналари

Компьютерлаштириш ва АКТ ни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган илмий-техника зоналарини вужудга келтириш масаласи қўйилди. Шу муносабат билан тегишли ишчи гуруҳ тузилди, халқаро тажрибани ўрганиш, тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишлар бошланди.

Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20.02 даги 27-сон Қарори билан давлат ахборот ресурсларининг Рўйхати тасдиқланган. Бу Рўйхатга Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16.02 даги 34-сон қарорига мувофиқ, ўзгартиришлар киритилган. Ҳозирги пайтда рўйхат 51 та ахборот ресурсини ўз ичига олади, давлат ахборот тизимларини

рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. Вазирлар ва идоралар томонидан давлат ахборот ресурслари ва тизимларини рўйхатга олиш учун Интернет тармоғида (www.reestr.uz) веб-сайти ишламоқда.

Электрон бошқарув бўйича компетенция маркази

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари Ассоциацияси қошида электрон бошқарув бўйича компетенция маркази тузилди. Марказ электрон бошқарув соҳасида янги аппарат ва дастурий воситаларни намоёниш этадиган, доимий ишловчи ўзига ҳос майдон ҳисобланади. Ўзимиздаги ва хориждаги илғор тажрибага суянган ҳолда, ушбу Марказ электрон ҳукумат соҳасид абилимлар манбаи, шунингдек давлат амалдорларининг профессионалдаражаси ошишида кўникмалар манбаи бўлиб хизмат қилади. Бунинг орқасида, тақдим этиладиган хизматлар сифати яхшиланади, аҳолининг электрон бошқарувнинг афзалликлари тўғрисидаги хабардорлик доираси кенгаяди.

Электрон тижорат

Чакана савдода электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12.06 даги «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловлар ўтказилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 120-сон қарори билан, «2007-2008 йилларда электрон тижоратни амалга оширишда тўловлар тизимини янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси» тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида» Қонунини амалга ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, савдо ривожлантирилишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30.01 да «Электрон тижоратни ривожлантириш тўғрисида» 21-сон Қарори қабул қилинди. Бу Қарорга асосан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига манфаатдор

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қатор тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Банк сектори банклараро тўловларнинг ривожланган тизимига эга. Банк телекоммуникация тизими мавжуд.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларининг ягона электрон тизими (www.uzex.com) яратилган. Бирнчи мартда биржа фаолияти тарихида республика регионларидаги биржа савдоси айланмасининг ўсиши (1,7 марта) мамлакат пойтахтидаги кўрсаткичдан (1,3 марта) олдинда бўлди. Биржа тажрибаси, электрон тижоратнинг жорий қилиниши, республика регионларидаги тадбиркорларга айниқса, катта фойда келтиришлигини кўрсатади.

Электрон таълим

ПРООН «АКТ сиёсати» (ICTP) лойҳаси доирасида UzCDL компьютер саводхонлиги сертификатлаштириш дастурини ишлаб чиқиш олиб борилмоқда. Бу Дастур кейинчалик он-лайн режимида давлат хизматларини таянч кўникмаларига ўқитиш ва компьютер саводхонлигини сертификатлаштиришда қўлланилади.

Масофадан таълим бериш ўзининг шакилланиш босқичида олисдаги ва етиб бориш қийин бўлган районлардаги фойдаланувчиларни ўқитиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш имконини беради. Ўзбекистон Миллий университетида Масофадан ўқитиш маркази ташкил қилинди. Марказининг мақсади масофадан ўқитиш, масофадан таълим бериш тизмида ишлаш учун кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, масофадан ўқитиш бўйича ўз технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ўқитувчиларни пилот масофадан ўқитиш Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида ташкил қилинган.

«Интернет кўприк» (www.lfl.uz) мактаб ҳамкорлиги лойҳаси доираси ўқувчиларга интерактив ўқиш, махсус тузилган форумда мулоқотга киришиш, экология, иқтисодиёт, таълимнинг долзарб масалаларини

муҳокама қилиш, тақдимот маросимларини тайёрлаш, чет тилда дискуссия ўтказиш бўйича кўникма эгаллашда, Европадаги ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги тенгдошлар билан тажриба алмашиш имконияти тақдим этилади.

Электрон илмий фаолият

Электрон Фан шундай тарифланади: «Катта ҳажмдаги маълумотлардан, ҳисоблаш ресурслари ва юқори самарали визуаллаштиришдан фойдаланиб, Интернет асосида глобал ҳамкорлик қилиш орқали бажариладиган фан». Бу, тадқиқотларнинг бир қисми сифатида ҳозирги вақтда ҳисоблаш ресурсларидан фойдаланадиган кўплаб Фан соҳалари, GRID деб номланувчи янги инфраструктура доирасида янада кучли ҳисоблаш ресурсларини қўллаш имкониятига ва қобилиятига эга бўлишлари кераклигини билдиради. Олимлар катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдаланадилар ва реал вақт режимида уларда тажрибалар ўтказадилар. Бу эса, ҳозиргача етиш мумкин бўлмаган соҳаларда тадқиқотлар бошлаш имконини беради. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Математика ва ахборот технологиялари институти GRID узелни яратиш бўйича иш бошлади. Бу иш бирлашган ядро тадқиқотлари институти ва Европа Комиссиясининг Enabling Grids for E-sciencE (EGEE) лойҳаси билан биргаликда олиб борилмоқда. Лойиҳада олган билим ва кўникмалар Математика ва ахборот технологиялари институтига Ўзбекистонда GRID технологияларининг профессионал ресурс маркази бўлиш ҳамда регионал академик ва тиббиёт ҳамжамиятда АКТ ривожланишини қўллаб-қувватлаш имконини бериши кутилмоқда.

Маданий жиҳатдан турли-туманлик ва ўзига хослик, тил жиҳатдан хилма-хиллик ва маҳаллий контент

Давлат кўмагида Ўзбекистоннинг маданий ҳамда тарихий турли-туманлиги акс эттирувчи ахборот ресурслари: таълим, спорт, саломатлик,

маданият ва санъат, архив ва қомусий порталлар, кўзга кўринган арбоблар (ёзувчилар) нинг сайтлари яратилди, ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20.06 даги «Республика аҳолисининг ахборот-кутубхона таъминотини ташкил қилиш тўғрисида» ги ПҚ-381 сон Қарори билан, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, библиотеки тармоғи ташкил қилинишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган моҳиятан янги ахборот марказлари яратиш, маданий, маънавий бойликларни сақлаш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ тизимли равишда ахборот билан таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари

2004 йил Ўзбекистонда электрон оммавий воситалари (ОАВ) миллий ассоциацияси тузилди. Унинг мақсади, Республикада электрон ОАВ замонавий (маданиятли) бозорини, барча ахборот етказувчилар учун тенг ривожланиш шароитларини яратиш ҳамда фуқаролик жамияти қурилишида фаол қатнашиш ҳисобланади.

2005 йилда мамлакатда мустақил, ўзини-ўзи таъминлайдиган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, ҳар қандай мулкчилик шаклдаги босма ОАВ шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини ҳамда кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тузилди.

2007 йилда Ўзбекистонда, маҳсулоти Интернет глобал тармоғи орқали тарқатиладиган ОАВ ни рўйхатга олишнинг содда тизими яратилди.

2004 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг телевидениесида ПРООН «АКТ сиёсати» (ICTP) лойҳаси доирасида «Тараққиёт сари» (На пути к прогрессу) номи остида АКТ соҳасига бағишланган махсус телекўрсатув тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

Ахборот жамиятининг этик жихатлари

Ўзбекистонда «Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси дастурларини ҳукукий муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонун амал қилмоқда. Бу Қонун ЭҲМ ва маълумотлар базаси дастурлар яратиш, уларни ҳукукий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади

Муаллифлик ҳукуки бўйича Республика агентлиги томонидан «Дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни долзарб муаммолари: Қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмлари» мавзуида «думалоқ стол» ўтказилди. Унда дастурий таъминотга бўлган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг механизмлари муҳокама қилинди, бу соҳада ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш юзасидан тажриба алмашинди.

Халқаро ва регионал ҳамкорлик

Регионал ҳамкорлик «МДХ мамлакатларининг ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси» лойҳаси доирасида ривожланмоқда. Бунда МДХ да қатнашувчи давлатларнинг ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлигини асосий йўналишлари: ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-техник базани (техник регламентларни) уйғунлаштириш, янги АКТ иловаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ахборот ва телекоммуникацион инфраструктурани ривожлантириш, ҳамда ягона ахборот маконини яратиш, ахборот технологиялари хизматлари билан савдо қилиш шартларини либераллаштириш ва ахборот хавфсизлиги, белгиланган.

Ахборот масалалари бўйича жаҳон саммитига тайёргарлик кўриш доирасида МДХ мамлакатларининг ахборот жамияти юзасидан конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш жараёни, давлат секторида ҳам, илмий-тадқиқот

институтларида, таълим муассасаларида, кичик ўрта ва тадбиркорлик секторида ва жамоат нодавлат ташкилотларида ҳам, АКТ ривожланишига сезиларли даражада ҳисса қўшаётган донор мамлакатларнинг фаол иштирокида юз бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда АКТ ни ривожланишига ПРООН, Жаҳон Банки, ЕРТБ, Осиё ривожланиш банки (АБР), Европа Иттифоқи ва бошқа ҳалқаро ташкилоълар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, ПРООН махсус дастурлари лойиҳалари давлат органларида АКТ ни ривожланишини таъминлайди. ПРООН «АКТ сиёсати» (ИСТР) лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Ҳукуматига Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий қилишда кўмаклашилмоқда.

2009 йилда, Ўзбекистонда «Марказий Осиёда телекоммуникация хизматлари даражасини ошириш мақсадида АКТ ва кенг полосали алоқани ривожлантириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар АКТ ва кенг полосали алоқа тўғрисида хабардорликни оширишга, бу соҳада билимларни кенгайтиришга, шунингдек, АКТ ва кенг полосали алоқани ривожлантириш борасида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлик қилишга кўмаклашишга қаратилган.

Бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган ва Ўзбекистонда ҳамда регионда АКТ соҳаси йилнинг муҳим воқеаларидан бири ҳисобланадиган АКТ саммит Ўзбекистоннинг турли давлат, таълим, нотижорат ва хусусий структуралари ва чет мамлакатлар вакиллари мулоқотга киришиш учун қулай замин яратади, ҳаётнинг турли соҳаларига АКТ қилишнинг янги тенденцияларини, ютуқларни ва ундан келадиган афзалликларни аниқлаш имконини беради.

Ҳар йили АКТ ҳафтаси доирасида ўтказиб келинаётган «ICTExpo» кўргазмаси мамлакат ва чет эл ИТ-компанияларини, илмий ва таълим институтларини, давлат структураларини жалб қилади. Кўргазма АКТ

соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ишончли амалий алоқаларни йўлга қўйиш ишига катта ҳисса қўшади.

2.2. «Ўзбектелеком» АКсининг иқтисодий-молиявий фаолиятини баҳолаш

Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтганимиздек, мамалакатимизда мустақиллик йилларида телекоммуникациялар бозори жаҳон ҳамжамияти талабларидан ва меъёрларидан келиб чиқиб такомиллашиб бормоқда. Аввалги бўлимларда биз телекоммуникациялар бозорининг мамлакат миқёсидаги ўрнига, жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш жараёнларига, унинг бозордаги мавқеига ҳамда фаолиятини ривожлантириш борасидаги қонунчилик базасига тўхталдик. Ушбу бўлимда компаниянинг умумий ҳолатини таҳлил этиш асосида, уни молиявий соғломлаштириш ва бу орқали компанияни телекоммуникациялар бозоридаги мавқеини ошириш борасидаги муаммоларни кўриб чиқамиз.

Аввалги бўлимда телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришга оид қонунчилик базасини ривожланиш босқичларини кўриб чиққан эдик. Шунга оид соҳа корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ҳам босқичларга бўлиш мумкин (2.2.1.расм). Масалан, биринчи босқич - 1992 йилда вилоят электралоқа ва почта корхоналари негизида давлат алоқа бошқарув корхоналари ташкил этилди. Давлат электралоқа корхоналари асосида «Ўзбектелеком» Концернини ташкил этилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичлари

2.2.1-жадвал

1992 йил	Вилоят электралоқа ва почта корхоналари негизида давлат алоқа бошқарув корхоналари ташкил этилиши. Давлат электралоқа корхоналари асосида «Ўзбектелеком» Концернини ташкил этилиши.
1995-96 йиллар	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бошланиши ҳамда «Тошкент Таксофони», «Сирдарё Телеком», КК «Бузтон», «Чирком», «Ўзбектелеком Интернэшнл АЖ», «Узмаком» корхоналарининг ташкил этилиши
1997	Ўзбекистон Алоқа Вазирлигини Ўзбекистон почта ва

йил	телекоммуникациялар агентлигига айлантирилиши, холис бошқарув органини ташкил топиши «Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши «Тошкент Шахар Телефон Тармоғи», «Тошкент Телеком», «Андижон Телеком», «Наманган Телеком» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши
2000 йил	«Маҳаллий Телеком» АК ҳамда «Халқаро Телеком» АКлари асосида «Ўзбектелеком» Акциядорлик компаниясини ташкил этилиши (холдинг тизими). «Қорақалпоқ Телеком», «Бухоро Телеком», «Навоий Телеком», «Хоразм Телеком», «Тошкент телеграф-телефон станцияси» ва «Шахарлараро алоқа корхонаси» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши.
2001-2002 йиллар	«Ўзбектелеком» АК таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларни Компанияга филиал тариқасида киритилиши (холдинг ташкилотдан операторлик компанияга айлантириш жараёни) «Ўзбектелеком» АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш. Ахборот Меморандумини битказиш ва потенциал инвесторлар ўртасида ушбу маълумотни тарқатиш.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, бугунги кундаги «Ўзбектелеком» АК таркиби фақат 2002 йилга келиб шаклланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги 453-сонли қарорига кўра компания акцияларининг асосий қисми (49%) ҳорижий инвесторларга, 45 фоизи давлатга тегишли бўлган ва фақат 6 фоизигина маҳаллий инвесторларга тақсимланган. Бу ҳолат, фикримизча, компанияни хусусийлаштиришда янгича йўналишга, яъни акцияларнинг асосий пакетини ҳорижий инвесторларга бериш ва бу орқали қўшимча ҳорижий инвестицияларни олиб келишга йўл очади.

Компания мамлакатимизда телекоммуникациялар тизимига бўлаётган эътибор ва талаб натижасида жуда тезлик билан ривожланиб бормоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда даромадларни кескин ўсиб кетиши кузатилмоқда, бунинг натижасида кейинги тўрт йил ичида харажатлар уч баробарга, даромадлар эса тўрт баробарга ўсди. Компаниянинг молиявий кўрсаткичларини ўсиши унинг рентабеллигига ҳам таъсир этди, 2003 йилда унинг умумий ишлаб чиқариш рентабеллиги 10 фоизга етди.


Фикримизча, компаниянинг бу қадар тезлик билан молиявий ривожланишига у кўрсатаётган замонавий хизмат турларининг шаклан ва миқдоран тез ортиб бораётганлиги, компаниянинг узлуксиз равишда телекоммуникациялар бозорида маркетинг ва молиявий таҳлил ўтказиб бораётганлиги ҳамда ушбу хизматларни компания раҳбарияти томонидан харидорлар талабларидан келиб чиқиб тез ва сифатли жорий этилаётганидир. Масалан, ҳозирда компания томонидан IDD calls, операторлар ёрдамида телефон килиш (Operator assisted calls), халқаро кириш трафикни қайта ишлаш (Termination of incoming international traffic), коммутацияли транзит (Switched tranzit), канал сиғимларини ижарага бериш (Capacity lease), канал сиғимларини сотиш (Capacity sales), ТВ узатишларини ташкил этиш (Occasional Use TV Services), маълумот узатиш (FR, X.25, IP)(Data transmission), ISDN уланиш (ISDN connection), HCDS (Home Country Direct Service), Call Back хизматлари, карточкалар орқали халқаро телефон алоқа ҳамда Интернет хизматлари олиш каби ўнлаб турдаги замонавий хизматлар жорий этилган ва уларни харидорларга тақдим этишнинг сифат кўрсаткичлари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Компания ҳозирда телекоммуникация хизматлари бозорида маълум мавқега эга ва буни у эришган натижалар ҳам исботлайди. Масалан, компания ҳозирда «Интелсат» Халқаро сунъий йўлдош ташкилотига аъзоликка қабул қилинган. Натижада, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон каби 9 та давлатлар билан тўғридан-тўғри халқаро каналларни ташкил этган. Шу билан бир қаторда, Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Покистон ва Буюк Британия давлатлари орқали бошқа давлатларга чиқиш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда компания халқаро ва шаҳарлараро миқёсда алоқа тармоғига эга. Халқаро миқёсда у, юқорида таъкидлаганимиздек, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон, Хитой каби ҳорижий мамалакатлар билан, шунингдек, Россия,

Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Белоруссия, Тожикистон каби МДХ мамалакатлари билан алоқа тармоқларига эга.

Малакатимизнинг деярли барча вилоят ва ҳудудлари ягона рақамли телекоммуникациялар тармоғига уланган, агар 1997-98 йилларда магистрал алоқа линияларида рақамли каналлар умумийга нисбатан бор-йўғи 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг салмоғи 85-90 фоизга ёки 13 минг каналга етди. Маълумки, молиявий соғлом, ривожланиб бораётган субъект кўпроқ капитал қўйилмалар қилишга интилади ва бу ҳолат уни янада молиявий жиҳатдан барқарорлаштиради.



2.2.1-расм. «Ўзбектелеком» АКнинг капитал қўйилмаларини молиявий манбалари бўйича тақсимланиши


Шунинг учун, бугунги кунда гуркираб ривожланаётган «Ўзбектелеком» АКси ҳам йирик миқдорда капитал қўйилмаларни амалга

оширмоқда. Компаниянинг капитал қўйилмаларини молиявий манбалари бўйича тақсимланиши 2.2.2.расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, капитал қўйилмаларнинг 51,25 фоизи корхона маблағлари ҳисобидан, 46,8 фоизи хорижий кредитлар, 1,34 фоизи хорижий инвестициялар ва 0,61 фоизи бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган. Биз бу ўринда хорижий кредитлар ва хорижий инвестициялар қисмига эътиборни қаратмоқчимиз. Чунки, капитал қўйилмаларнинг 46,8 фоизи кредитлар ҳисобига амалга оширилган. Бу ҳолат компанияни, фикримизча, «қарам» қилиб қўяди. Шунинг учун, бу ўринда кредитлар салмоғини камайтириб, инвестициялар салмоғини ошириши лозим.

Агар биз «Ўзбектелеком» АК нинг молиявий ҳисоботларини таҳлил этсак, компаниянинг кейинги йилларда узлуксиз равишда, жадаллик билан ривожланаётганлигини гувоҳи бўламиз. Асосий фаолиятдан даромадлар 2004 йилда 21499,2 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 91151,76 млн сўмга етди ёки деярли тўрт ярим баробарга ўсган. Ажабланарлиси шуки, таҳлил этилаётган даврда операцион харажатлар 3,3 баробарга ўсгани ҳолда, даромадлар – 4,22 баробарга; молиявий харажатлар 13,48 баробарга ўсгани ҳолда, даромадлар қарийб – 21 баробарга ўсган.

Шунингдек, компаниянинг соф фойдаси 2004-2008 йиллар мобайнида деярли икки баробарга ўсиб, соф фойда бўйича рентабеллик деярли 10 фоизга етган.

«Ўзбектелеком» АК нинг инвестициявий фаолиятини 2004-2008 йиллар давомидаги бутун ҳолатини йиғинди кўринишида таҳлил этсак, уни марказлашган (яъни, мамалакат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалардан ажратилган) ва марказлашмаган (бошқа манбалардан олинган) маблағлардан ташкил топганлигини кўрамиз (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. «Ўзбектелеком» АК жалб этилган инвестицияларининг ўзаро нисбати

Яъни марказлашмаган инвестициялар марказлашган инвестициялардан бирданига ортиб кетган. Бу ҳолатни компаниянинг ўзлик маблағларини кескин ортиб кетиши, даромадларнинг ва компания хизмат турларининг ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Марказлашмаган инвестициялар таркибида эса компаниянинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри чет инвестициялари (асосан, асбоб-ускуна холида), алохидан келадиган ва бошқа ички манбалардан келадиган маблағлар ётади.

Шунингдек, компаниянинг даромад манбалари сифатида хусусийлаштиришдан келадиган маблағлар ва дивиденд даромадлари ҳам киради.

Компаниянинг ўрнатилган талаблар асосида олиб борилган молиявий ҳисоботлари баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, хусусий капитал тўғрисида ҳисоботлардан иборат. Лекин, фикримизча, филиаллар ўртасида молиявий ҳисоботларни олиб бориш, уни ташкил этишга қўйиладиган талабларни тубдан такомиллаштириш зарур. Чунки ушбу ҳолатлар молиявий

маблағларни ишлатишда бош-бошдоқликни, хўжасизликни келтириб чиқариши мумкин.

Маълумки, корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таҳлил қилишдан асосий мақсад - унинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириш бўйича мулоҳаза ва таклифларни ишлаб чиқаришдир. Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг фаолиятининг энг муҳим томони ҳисобланади, яъни молиявий барқарорлик унинг келажакда бир маромда ишлашининг пойдеворидир.

Молиявий барқарорликни таҳлилидан мақсад активлар ва пасивларнинг ҳажмини ва таркибини аниқлашдир¹⁹. Бу корхонанинг молиявий томондан мустақиллик даражасини ва унинг баланси олдида кўйган вазифаларига етарлилигини аниқлашда қўл келади.

Биз «Ўзбектелеком» АК ни молиявий таҳлил этишда унинг услубиётини қуйидаги гуруҳларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- ҳисобот давридаги молиявий ҳолат ва унинг ўзгаришини умумий баҳоси;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлили;
- компаниянинг иш юритиш фаолияти ва тўлов қобилиятининг таҳлили.

Молиявий аҳволни ҳар томонлама таҳлил этишда ялпи кўрсаткичлардан ташқари, корхона молиявий аҳволини кўрсатувчи солиштирма коэффициент кўрсаткичлари ҳам ишлатилди. Бундай кўрсаткичлар ялпи кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбати ёки уларнинг чизиқли функциялари кўринишида ҳисобланди²⁰.

Маълумки, молиявий коэффициентларнинг таҳлили – бу уларни базис кўрсаткичларга солиштириш ҳамда бир неча йиллик динамик ўзгаришлари қаторини тадқиқ этишдир. Базис кўрсаткичлар сифатида эса шу корхонанинг аввалги, молиявий нуқтаи назардан омадли бўлган даврдаги ўртача

¹⁹ Козлова О.И. Оценка кредитоспособности предприятий. М.: «АО АРГО», 1998 г.

²⁰ Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Тошкент, 1999 й. 20-21 бетлар.

кўрсаткичларини ёки мазкур тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар ёки корхонанинг энг кучли рақобатчисининг кўрсаткичлари олиниши мумкин.

Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил этиш учун ва унинг истиқболини белгилаш учун бир неча молиявий кўрсаткичларни таҳлил этиш кифоя. Энг асосийси бу кўрсаткичлар унинг молиявий аҳволини тўлиқ ва ҳаққоний очиб бера олсин.

Биз «Ўзбектелеком» АК нинг ўзига хослигидан келиб чиқиб уни молиявий таҳлил этишда қуйидаги усул ва услубларни қўллашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

а) Услубларнинг энг соддаси - бу таққослаш. Бунда ҳисобот давридаги кўрсаткичлар режалаштирилганларига ёки ўтган даврдаги ҳисоботга солиштирилди. Ҳар хил даврга тегишли кўрсаткичларни солиштирилганда, уларнинг бир хиллигини, яъни уларнинг таркибан яқинлигини, ҳисоблаш усуллариининг ўзгармаслигини таъминлаш ҳамда инфляция таъсирини йўқотиш зарур.

б) Яна бир услуб бу - гуруҳлашдир, яъни кўрсаткичлар гуруҳларга бирлаштирилди ва жадваллар кўринишига келтирилди. Бундай услуб ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ривожланиш тенденциясини аниқлаш, кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва улар орасидаги боғлиқликларни топиш имконини берди.

в) Молиявий аҳволни ҳар томонлама таҳлил этишда солиштирма коэффициентлар ишлатилди. Булар айрим ялпи кўрсаткичларни бошқаларига нисбати сифатида ҳисобланди ва компаниянинг молиявий аҳволини кўрсатиб берди. Бу кўрсаткичлар молиявий аҳволни рақамлар билан ифодалашда, компанияни бошқа турдош корхоналар билан ёки тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар билан солиштиришда, кўрсаткичлардаги ўзгаришлар тенденциясини аниқлашда ва корхона ривожланиш мезонлари ҳамда чегаравий меъёрларни белгилашда қўлланилди. Компаниянинг молиявий барқарорлигини ва унинг умумий ҳолатини белгиловчи коэффициентлардан

асосийси – бу унинг мустақиллик коэффицентиدير. Ушбу кўрсаткични куйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{Мустақиллик коэф} = \frac{\text{Ўзлик маблағлари}}{\text{Жами активлар}} \quad (1)$$

Одатда, мазкур коэффицент $K_m > 0,5$ дан ортиқ бўлса, бу нормал ҳолат ҳисобланади. Лекин, фикримизча, «Ўзбектелеком» АК каби йирик ва катта миқдорларда ишончли кредит ва инвестиция ресурслари жалб этган компания учун ушбу кўрсаткичнинг $K_m > 0,2$ бўлиши ҳам етарли.

Компания молиявий ҳолатини белгиловчи кейинги кўрсаткич сифатида биз қарзга олинган ва ўз капиталининг нисбати кўрсаткичини олдик ($K_{к/ўк}$):

$$K_{к/хк} = \frac{\text{Жами қарзлар}}{\text{Ўз капитал}} \quad (2)$$

Аслида, $K_{к/хк}$ коэффицентнинг максимал кўрсаткичи бирга тенг ёки ундан кичик бўлиши лозим. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу кўрсаткичнинг меъёрларини компания хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаш тавсия этилади. Албатта, бу улушнинг бирдан кичик бўлиши корхонанинг молиявий аҳволи барқарорлигини кўрсатади.

Кейинги муҳим деб ҳисоблаган кўрсаткичимиз – бу қарз ва жами сармояларнинг нисбати коэффицентиدير ($K_{к/к}$):

$$K_{к/к} = \frac{\text{Жами қарзлар}}{\text{Умумий капитал}} \quad (3)$$

Ушбу коэффицент қарзларнинг умумий сармоялардаги улушини кўрсатади. Кўпчилик олим ва мутахассислар бу улуш қанчалик катта бўлса,

корхона ташқи молиявий маблағларга шунчалик муте бўлиб қолади деб таъкидлайдилар²¹. Бизнингча эса, ушбу кўрсаткични ҳисоблашда компаниянинг жами қарзлари таркибини тубдан тадқиқ этиш ва фақат қисқа муддатли ва маълум риск даражасига эга бўлган кредит ва қарзларнигини формулага киритиш лозим. Чунки, юқорида таъкидланганидек, «Ўзбектелеком» АКнинг катта миқдордаги қарзий мажбуриятлари сифатида давлат кафолати билан олинган, соҳани ривожлантириш жамғармасидан олинган ёки узок муддатга тўғридан-тўғри олинган хорижий инвестициялар ҳам бор.

Бу қарзий мажбуриятларнинг рисклилиқ даражаси жуда паст. Шунинг учун уларни формулага киритиб, гўёки «Ўзбектелеком» АК четки қарзлардан ва корхона муаасасалардан молиявий жиҳатдан муте ҳолатида дейиш, ўринли бўлмайди.

Кейинги муҳим кўрсаткич сифатида биз компаниянинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиқ кўрсаткичини олишни тавсия этамиз. Ушбу коэффициент $K_{\text{ўм}}$ айланма активларнинг қанча қисми ўзининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилганлигини кўрсатади:

$$K_{\text{ўм}} = \frac{\text{Ўз айланма маблағлари}}{\text{Айланма активлар}} \quad (4)$$

Маневрлилиқ коэффициенти эса жорий ишлаб чиқаришни молиялаштиришда корхона ўз капиталининг қайси улушини ишлатганлигини кўрсатади:

$$K_{\text{мк}} = \frac{\text{Ўз айланма маблағлари}}{\text{Ўз капитали}} \quad (5)$$

²¹ Шеремет А.Д., Нечашев Е.В. Методика финансового анализа. Москва, 1999 г.

Биз юқоридаги формулалардан ва «Ўзбектелеком» АК нинг баланс ва бошқа ҳисоботларидан фойдаланиб, унинг молиявий барқарорлигини аниқлашимиз ва баҳолашимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

«Ўзбектелеком» АК нинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

2.2.1-жадвал

Коэффициентлар	2007	2008	2009	Меъёрда
1. Молиявий мустақиллик Коэффициенти	0,246	0,365	0,340	> 0,5 («Ўзбектелеком» АК учун >0,2)
2. Қарзга олинган ва ўз капиталининг нисбати	2,865	2,795	2,967	<1 («Ўзбектелеком» АК учун <3)
3. Қарз ва жами капиталлар нисбати коэффиценти	0,864	0,647	0,668	< 0,5
4. Ўз айланма маблағлари билан таъминганлик коэффиценти	0,428	0,321	0,379	> 0,3
5. Маневрлилик коэффиценти	0,103	0,278	0,267	< 0,3

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, «Ўзбектелеком» АК бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга. Компания замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ўзининг хизматлари бозорини такомиллаштирмоқди ва ривожлантирмоқда. Таҳлилларимиз унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошганлигини кўрсатади. Эндиликдаги бош вазифалар – молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўртасида молиявий ҳисоботлар юритиш ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этиб боришдир.

3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МОЛИЯВИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш орқали компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш

Корхона ва муассасаларда молиявий бошқарув масалаларини такомиллаштириш, уларни «..бугунги кундаги иқтисодиётимизнинг шаклланган тузилмаси ва бозор механизмларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олиш зарур»лигини юртбошимиз алоҳида таъкидлайдилар²².

Маълумки, давлат асосий алоқа хизматларидан кўплаб аҳоли ва ташкилотлар фойдалана олиши имконига эга бўлишига интилади, гарчи бу молиявий жиҳатдан зарар келтирса ҳам²³. Республика қонун ҳужжатларида операторларнинг имтиёзли хизмат кўрсатиш бўйича харажатларини бюджет ҳисобидан тўлиқ қоплаш кўзда тутилган²⁴. Чунки ҳар қандай давлат юқори малакали, керакли маълумотларга эга бўлган аҳоли қатламлари бўлишидан манфаатдор.

Шу билан бирга ушбу жараён, фикримизча, телекоммуникация тармоқларини бошқарувчи мутахассисларни соҳани хизматлар бозоридаги актив ва самарали фаолиятини таъминлашлари учун молиявий менежментнинг замонавий усул ва услубиётларини билишлигини ва амалиётда қўллай олишларини талаб этади. Айнан мана шу нуқтаи назардан “Электрон Россия (2002–2010 йиллар)” федерал мақсадли дастурининг мақсади қуйидагича таърифланган: “телекоммуникация технологиялари

²² Каримов И.А. Ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз.-Т.: «Халқ сўзи», 10 февраль, 2004 йил.

²³ Рейман Л.Д., Совершенствование системы государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. С.Петербург, 2000. 74-б.

²⁴ “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 25-модда.

бўйича мутахассисларни ва малакали фойдаланувчиларни тайёрлашни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг, давлат бошқарувининг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозим»²⁵.

Мулкчилик шаклидан ва бизнес туридан катъий назар, барча корхона ва муассасалар молиявий ҳисоб юритишлари ва тегишли молиявий ҳисоботларни тақдим этиб боришлари лозим. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг таҳлили натижасидан компания тўлов қобилиятининг энг аниқ умумлаштирилган кўрсаткичи - ликвидлилик коэффицентини келтириб чиқарилади.

Таъкидлаш лозимки, мамалакатимизнинг телекоммуникация корхона ва муассасаларида улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва хизматлар бозоридаги ҳолатини аниқлашда молиявий таҳлил ва молиявий менежмент услубларидан деярли фойдаланилмайди. Молиявий бошқарувни қўллаш бўйича соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб (молия-банк ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби) комплекс тарзда аниқ усул ва услублар ишлаб чиқилмаган. Бу борадаги тадқиқотлар магистрлик диссертацияси ёки илмий мақолалар даражасида чегараланиб қолган.

Иқтисодий адабиётларда мазкур масалани очиб беришга қисман ўрин берилган ёки тор доирада ёритиб берилган. Иқтисод фанлари номзоди А.Н.Арипов ҳам ўз илмий изланишлари давомида ахборот-коммуникация соҳасининг замонавий молиявий ҳолатини таҳлил этишда Н.В.Ивонина томонидан бажарилган молиявий таҳлил усулини²⁶ қўллаганлигини таъкидлайди ва «на ўзимизнинг ва на ҳорижий адабиётларда корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг бундан тўлиқроқ мажмуини» учратмаганлигини таъкидлайди²⁷.

²⁵ Федеральная программа «Электронная Россия (2002-2010годы)». РФ ҳукуматининг 28.01.2002 й. қарори билан тасдиқланган.

²⁶ Н.В. Ивонина ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар, техник даражани ошириш ва корхонада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) чиқариш учун ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш. Ўзбекистон молия қонунчилиги.. 6-Илова Тошкент, 1996 й. 99-112-бетлар.

²⁷ А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари.-Т.: «Академия», диссертация, 2004.


Юқоридагилардан келиб чиқиб биз «Ўзбектелеком» АК мисолида компания тўлов қобилиятининг энг аниқ умумлаштирилган кўрсаткичи бўлган - ликвидлилик кўрсаткичларини мувозанатлаш услубиётини ишлаб чиқамиз. Ушбу усул, фикримизча, компания менежментига «бозор талаби – компания имкониятлари» мунасабатини тўғри аниқлаб, компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштиришига кўмаклашади.

Албатта, «бозор талаби – компания имкониятлари» мунасабатини аниқлаш бўйича бир қатор молиявий дастак ва усулларни тавсия этиш мумкин, лекин биз ликвидлилик энг муҳим кўрсаткич эканлиги ҳамда битта диссертацияда барча усулларни тадқиқ этиш имконияти йўқлигидан келиб чиқиб, мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш усулини ишлаб чиқиш билан чегараландик.

Маълумки, ҳар қандай корхона хизматлар бозоридаги фаолияти давомида кўпгина кутилмаган ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Вазиятни тўғри баҳолаш, кутилмаган хатарлар, ҳар томонлама кўра билиш, молия, инвестициялар, маркетинг, меҳнатга оид муносабатлар, техника ва технология соҳасида ўз вақтида асосли қарорлар қабул қилиш – бозорда корхонанинг баланси ликвидлигини оптималлаштирилган ҳолатини сақлашнинг шартларидир.

Баъзида биттагина нотўғри қарор турғун бўлиб кўринган корхонани банкротлик ёқасига олиб келиб қўйиши мумкин. Барча қабул қилинадиган қарорлар учун тайёр андозаларни таклиф этиш мумкин эмас, бироқ шундай муаммолар ҳам борки, уларни ҳал қилиш корхонанинг баланс ликвидлигини оптималлаштириш корхонани зарар кўрмай ишлашига таъсир кўрсатиши турган гап. Бунда телекоммуникация хизматларининг мақбул ҳажмини ва компанияни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ суръатларини танлаш ҳақида сўз бормоқда.

Биз компания баланси ликвидилигини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гуруҳга бўлишни тавсия этамиз (3.1.1-расм). Яъни булар а) ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар; б) четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; в) ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; г) айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; д) асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.



3.1.1-расм. «Ўзбектелеком» АК баланс ликвидилигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг схематик модели

Баланс ликвидилигини ифодаловчи кўрсаткичлар туркуми ўз навбатида бир қанча алоҳида кўрсаткичлардан иборат. Ушбу кўрсаткичлар тизимига кирувчи ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларга бўлинади.


Масалан, хусусий капитал билан боғлиқ кўрсаткичларга учта, четдан жалб қилинган маблағларга тўртта, ҳаракатдаги маблағ билан боғлиқ кўрсаткичларга тўртта, айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга бешта кўрсаткичлар киритилади. Аммо ҳар бир кўрсаткич бўйича тўлиқ

хулосага келиш учун уларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Баланс ликвидлилигини таҳлил қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли юқорида тавсия қилинган кўрсаткичларни бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисобот шаклларида кўрсатилган маълумотларга асосан ҳисоблаш усуллари кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни ўринли деб ҳисоблаймиз (3.1.2-расм)¹ ўз маблағлари (хусусий капитал)нинг тўпланиши (концентрацияси); молиявий қарамлик ва ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффиценти.

Ўз маблағи (хусусий капитал)нинг тўпланишини (концентрациясини) ифодаловчи коэффицент ушбу маблағларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични хусусийлик коэффиценти ҳам деб ҳам аташ мумкин.



3.1.2-расм. Корхона ликвидлилигининг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлари тизими

Бу кўрсаткич ўз маблағларининг (хусусий капитал) умумий суммасини активларнинг умумий қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.


Ушбу кўрсаткич компаниянинг умумий маблағларининг қанча қисми хусусий маблағларни ташкил қилишини ифодалайди. Ҳозирги шароитда у

канча кўп бўлса, компания учун ўшанча яхши, чунки компания молиявий жихатдан барқарор бўлиши учун асос бўлади. Четдан жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар тежалади.

Баланс ликвидлилигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири - молиявий қарамлик коэффицентидир. Бу кўрсаткич балансдаги умумий суммани ўз маблағлари (хусусий капитал) суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич ҳажми канча камайиб борса, компаниянинг ўз маблағи шунча кўпайиб бораётганлигидан ва унинг молиявий қарамлиги камайганлигидан, яъни яхшиланаётганлигидан далолат беради. Агарда ушбу кўрсаткичнинг ҳажми канча кўпайса, шунчалик компания молиявий барқарорлигига путур етаётганлигидан далолатдир.

Муаллиф компания ликвидлилигини белгиловчи кейинги кўрсаткичлар тўплами сифатида четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимини олишни тавсия этади (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) тўпланиши (концентрацияси)ни ифодаловчи кўрсаткич уларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини аниқлаш учун қўлланилади. Ушбу кўрсаткични топиш учун

четдан жалб қилинган маблағлар суммасини активларнинг умумий миқдорига бўлиш лозим. Ушбу кўрсаткични «беғоналик коэффициенти» ҳам деб атайдилар²⁸. Унинг ҳажми қанча кам бўлса, корхона учун шунча яхши, чунки бу корхона ўз фаолиятини маблағни четдан жалб қилмасдан амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Бу ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган даврда жуда муҳимдир, чунки четдан, айниқса, банклардан қарзга маблағ олиб ишлатиш юқори фоиз ҳисобига корхона учун жуда қимматга тушиб кетмоқда.

Четдан жалб қилинган маблағлар ичида узоқ муддатли қарзлар ҳиссасининг коэффициенти ҳам молиявий барқарорликни ифодалаш учун муҳимдир. Четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий коэффициенти узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларни корхонанинг умумий четдан жалб қилинган маблағига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич корхонанинг узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағининг умумий четдан жалб қилинган маблағдаги ҳиссасини кўрсатади. Ўз маблағи етарли бўлмай турган пайтда узоқ муддатли қўйилмалардан фойдаланиш корхонанинг молиявий барқарорлиги, баланс ликвидлилигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши корхона учун ижобий ҳолатдир.

Четдан жалб қилинган капиталнинг хусусий капиталга нисбати хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициенти ифодалайди. Уни аниқлаш учун четдан жалб қилинган барча маблағлар суммасини корхонанинг ўз маблағларига бўлиш лозим. Албатта бозор иқтисодиёти шароитида ушбу кўрсаткичнинг бирдан кичик бўлганлиги яхши. Аммо «Ўзбектелеком» АК каби йирик ҳорижий инвестициялар билан ишлаётган компания учун бирга тенг бўлишини ҳам ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.


Компания ликвидлилигини таҳлил қилишда хусусий капиталнинг узоқ муддатли пассивларга қарамлилик коэффициенти аниқлаш муҳим

²⁸Волжин И.О., Эргашбоев В.В. «Молиявий таҳлил».-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.

аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивларни ўз маблағларига бўлиш лозим. Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўз маблағларида (хусусий капиталида) четдан жалб қилинган узоқ муддатли қўйилмаларнинг (пассивларнинг) ҳиссаси қанчани ташкил қилишини кўрсатади.

Компаниянинг ҳаракатдаги маблағларига унинг айланма маблағларда иштирок этаётган хусусий капитали киради. Аммо айланма маблағлари ҳаракатчанлиги жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги, кассасидаги нақд пуллари тез ҳаракатга келувчи айланма маблағлари бўлса, товар захиралари нақд пулга нисбатан ҳаракатчанлиги жиҳатидан суст айланма маблағга киради. Дебитор қарзларнинг кўп қисми ҳозирги бозор муносабатлари шароитида умидсиз, беқарор маблағларга киради, чунки корхона қарз берган, товар жўнатган, хизмат қилган юридик ёки жисмоний шахс банкротга учраган бўлиб, тўлов қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда дебитор қарзларни тез ҳаракатчан маблағлар қаторига киритиш қийин.

Маблағларнинг ҳаракатчанлик даражасини аниқлаш учун ҳаракатдаги барча маблағларнинг турларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги схемада келтирилган (3.1.4-расм).



3.1.4-расм. Компания ликвидлилигининг ҳаракатдаги (оборотдаги) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Кўпчилик мутахассислар ҳаракатдаги ўзлик маблағларни аниқлаш учун умумий айланма маблағлар миқдоридан четдан жалб қилинган маблағларни

айиришни тавсия этишади²⁹. Фикримизча, бундай қараш бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ноўриндир. Чунки, масалан, «Ўзбектелеком» АК мисолида олсак, агар айрим даврлар учун компания балансининг айланма маблағлари миқдоридан жами четдан жалб этилган маблағларни айириб ташласак – у ҳолда салбий қолдиққа эга бўлишимиз ҳам мумкин ($181326926 - 188352525 = - 9965207$ сўм³⁰).

Шунинг учун муаллиф компания ликвидлилигини ҳаракатдаги ўзлик маблағлари орқали аниқлашда ҳаракатдаги маблағлар миқдорини ҳисоблаш учун жами айланма маблағлар миқдоридан кредитор қарздорликни, қисқа муддатли қарзларни, муддати ўтган қарзлар ва улар бўйича фоизлар миқдорини, муддати ўтган дебиторлик қарзлар ва ўз вақтида сотилмай қолган (омборда тўпланиб қолган) товар-хом ашёларни айиришни тавсия этади:

$$ХМ = ЖАМ - (КҚ + ҚМҚ + МЎҚ(Ф) + МЎДҚ + МЎТ) \quad (1)$$


Албатта ушбу ҳисоб китоблар жараёнида «Ўзбектелеком» АК учун «омборда тўпланиб қолган товар-хом ашёлар» моддаси тўғри келмайди, чунки компания хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Лекин биз ушбу ҳисоблаш моделини барча ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам тавсия этишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Компаниянинг умумий ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти топиш учун умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасини барча ўзлик маблағлари суммасига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткич маблағларнинг анча қисми ҳаракатдаги маблағ эканлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанчалик ошиб борса, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти яхшиланиши учун ўшанча қулай бўлади.

²⁹ Иброҳимов А. Т. Молиявий таҳлил. - Тошкент: «Меҳнат», 1995. Абдукаримов И.Т. Менежерларга корхона ликвидлилиги ва тўлов қобилияти ҳақида // Бозор, пул ва кредит. –1999. №5. Акрамов Э.А. «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили». Тошкент, 2002.

³⁰ «Ўзбектелеком» АК нинг йиғма бухгалтерлик баланси. 01.01.2004.

Асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам компаниянинг ликвидлилигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардир, чунки корхона фаолиятида асосий воситалар фақат меҳнат воситалари бўлибгина қоласдан, унинг моддий бойлиги ҳам ҳисобланади. Унинг қиймати корхона мулки сифатида гаровга қўйиш учун асос бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг тизими 3.1.5-расмда келтирилган.



3.1.5-расм. Компания ликвидлилигини аниқлашда асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар

Муаллиф хусусий капиталнинг капиталлашганлик коэффицентини асосий воситалар суммасидан узоқ муддатли капитал қўйилмаларни олиб ташлаб, ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) қийматига бўлиш орқали ҳисоблашни тавсия этади. Асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги кўрсаткичини эса жорий йилдаги эскириш суммасини асосий воситаларнинг умумий суммасига бўлиш орқали, шунингдек, асосий воситалар жамғарилишининг умумий коэффицентини барча эскириш суммасини умумий асосий воситалар қийматига бўлиш орқали аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирган таҳлилларимиз «Ўзбектелеком» АК актив ва пасивларини қуйидаги бўлимларга бўлишимизга ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашимизга имкон беради, яъни агар:

-юқори ликвидли активлар (A1) - энг тез тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар (П1);

-тез ликвидли активлар (A2) - қисқа муддатли мажбуриятлар (П2);

-секин ликвидли активлар (A3) - узоқ муддатли мажбуриятлар (П3);

-қуий ликвидли активлар (A4) - доимий пассивлар ёки капитал (П4) бўлса корхона баланси мутлақо ликвидли деб ҳисоблаш мумкин.

Биз келтираётган ушбу муносабатлар модели, фикримизча, компанияни лозим бўлган фаолият даври учун турли меъёрларсиз³¹ ва содда ҳисоб-китоблар ёрдамида тўлов қобилиятини ва ликвидлилигини аниқлашга имконият яратади. Бу эса, айниқса менежерларга компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини жорий ва стратегик баҳолашда енгиллак яратади.

³¹ Маълумки, барча меъёрларни турли соҳа корхоналари учун бир хилда келтириш тўғри эмас. Чунки, айниқса, «Ўзбектелеком» АК каби муассаса бир қатор фақат ўзигагина хос бўлган молиявий хусусиятларга эга. Шунингдек, ҳар бир корхона учун барча меъёрларни ҳисоблаб чиқиш ҳам таҳлил жараёнини жуда мураккаблаштириб юборади.

3.2. “Ўзбектелеком” АҚси молиявий ҳолатини соғломлаштириш чора тадбирлари

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш – халқ хўжалиги фаолиятининг зарур шарти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ўтиш даври муносабати билан, тўлов тизимларида қийинчиликлар мавжуд. Корхоналар, ташкилотлар, банклар ва давлат ўртасидаги ҳисоб-китоблар муаммоси энг кескин ва ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда³².

Нотўловлар, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, зарур хом ашё материалларини сотиб олиш учун корхоналар ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар шаклида ҳисобга олинади.

Муддатли дебиторлик қарздорликларининг ўсишини иқтисодий жиҳатдан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва нархлар ўсиши нуктаи назаридан меъёрий ҳолат деб изоҳлаш мумкин.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари шу қарзларнинг муддатлисига нисбатан юқори суръатларда ўсаётганлиги каби ташвишли ҳолларни намоён қилмоқда.

Нотўловлар ва айниқса, унинг муддати ўтган қисмининг ўсишига бир томондан, яъни хўжалик субъектлари томонидан, истеъмолчининг тўловга лаёқатлилигини тўлиқ таҳлил қилмасдан маҳсулот жўнатиш ва хизматлар кўрсатишни амалга ошириш, иккинчи томондан эса, 90 кундан ошган қарзлари ва ҳатто мулк қийматидан мажбуриятлар миқдори қиймати ошиқ бўлган хўжалик субъектларининг ўз вақтида матбуотда тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинмаганлиги, уларни банкрот қилиш тўғрисидаги маълумотлар хўжалик судига ўз вақтида оширилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

³² Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга қодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001, 56-58 бетлар.

Корхоналарда нафақат ҳисоб-китоб қилиш даврида маблағ йўқлиги туфайли, балки, бозорнинг тузилиши ва ташкилий ўзгариши ҳамда импорт маҳсулотларининг конкуренцияси туфайли, маҳсулотларни сотишда сезилган қийинчиликлар туфайли уларда молиявий қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бу вазият тайёр маҳсулотларни сотилмай кўпайишига, катта айланма маблағларни заҳирада қотиб қолишига олиб келмоқда.

Айланма маблағларнинг мазмуни уларнинг иқтисодий аҳамияти, ўз ичига ҳам ишлаб чиқариш жараёнини, ҳам айланиш жараёнини олган ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш зарурияти билан аниқланади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор иштирок этадиган асосий фондлардан фарқли ўлароқ, фақат битта ишлаб чиқариш циклида фаолият кўрсатадилар ҳамда ишлаб чиқариш истеъмоли усулидан ташқари ўз қийматларини тўлалигича тайёр маҳсулотга олиб ўтадилар. Яъни айланма маблағлар «...ишлаб чиқариш жараёни мобайнида тезда айланадиган фирманинг қисқа муддатли активидир»³³.

Нотўловлар муаммосининг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлашни ўринли деб ҳисоблаймиз:

- реал сектордаги тузилмавий ислохотларнинг тугалланмаганлиги, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозорлардаги паст рақобатдошлиги;
- замонавий бозор менеджментининг ривожланмаганлиги туфайли, корхоналарни микродаражада молияларни самарасиз бошқариши;
- мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари якуний маҳсулотни сотишнинг қийинлиги;
- халқ хўжалигида тўлов воситаларининг умумий етишмаслиги;
- корхоналар айланма маблағларнинг инфляция шароитида қадрсизланиши ёки уларнинг солиққа тортиш орқали экспроприация қилиниши оқибатида йўқотилиши;

³³ Юджин Бригхэм. Энциклопедия финансового менеджмента. Москва. Экономика, 1998 г. 202 стр.

➤ иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш паст суръатларда амалга оширилиши.

Дебиторлик-кредиторлик қарздорлик корхона бухгалтерия балансининг таркибий бўлагидир. Улар мажбурият муддати билан мажбуриятлар бўйича тўлов муддати бир-бирига тўғри келмаслиги натижасида пайдо бўлади. Корхонанинг молиявий ҳолатига дебиторлик-кредиторлик қарздорликнинг баланс қолдиқлари ҳажми билан бир қаторда, уларнинг айланиш даври ҳам таъсир этади.


Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида бўлган жуда кўп мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, ушбу жараёнда корхона ва муассасалар ўртасида ўзаро ишонч сусаяди, тўлов интизоми пасаяди, мамлакатда пул массаси айланишига тўсқинлик қилувчи омиллар кўпайиб кетади. Бу ҳолат, айниқса корхона ва муассасаларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин кўпайиб кетишида кузатилади.


Мутахассисларнинг аксарияти дебиторлик ва кредиторлик қарзларини фақат салбий жиҳатдан қарайдилар. Фикримизча, корхона учун ушбу қарздорликларни ижобий томонлари ҳам бор. Фақат омилкорлик ва билим билан масалага ёндоша оладиган менежерлар корхонада дебиторлик-кредиторлик қарзларини оптимал ҳолатда ушлаб туриш орқали, нафақат уларни корхонага зарар келтиришини олдини оладилар, балки маълум молиявий самара олишга ҳам эришишлари мумкин. Яъни, замонавий бошқарув услубларини жорий этиш корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларидан ҳам самарали фойдаланишга имконият яратади.

Корхона дебиторлик-кредиторлик қарздорлигининг ҳолати унинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун, аввало, корхона иқтисодий ҳолатини таҳлил этиш лозим бўлади. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1)корхоналарнинг ташкилий-техник, иқтисодий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; 2) ишлаб чиқариш ва

сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар; 3) молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар; 4) корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар; 5) корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар; 6) корхонанинг тўловга қобиллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар; 7) корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; 8) корхонанинг мустақиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар; 9) корхонанинг иқтисодий нобарқарорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар; 10) корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Дебитор-кредитор қарзларни бошқаришнинг асосий мақсади – корхона (муассаса) даромадларини жорий ва узоқ муддатлар давомида максималлаштиришдир. Умуман, дебиторлик-кредиторлик қарзлар бошқарувинининг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин (3.2.1-расм).






3.2.1-расм. Дебиторлик-кредиторлик қарзлар бошқарувинининг асосий мақсад ва вазифалари


Биз ўз тадқиқотларимиз давомида «Ўзбектелеком» АКда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни бошқариш орқали молиявий самарадорликка эришиш усулларини тадқиқ этдик.

Биз юқоридагилардан келиб чиқиб, «Ўзбектелеком» АК си кредиторлик қарзлари йўналишларини куйидагиларга бўлишни ўринли, деб ҳисоблаймиз (3.2.2-расм).



3.2.2-расм. Кредиторлик қарзлари турлари бўйича гурухлари

Шунинг учун кредиторлик қарздорликни тўғри бошқарилсагина, улар самара келтириши мумкин. Ушбу бошқаришни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин (3.2.3-расм).



3.2.3-расм. Ички кредитор қарздорликни бошқариш босқичлари

Биз дебиторлик қарзлари каби, кредиторлик қарзлари ўсишидан келадиган самарани “Ўзбектелеком” АК си учун баҳолаймиз. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$C_{\text{кк}} = \frac{K_{\text{к}} \text{У}_{\text{ух}} \text{КМК}_{\text{у}}}{100}$$

Бу ерда:

$C_{\text{кк}}$ – кредитор қарздорликни ўсишидан келадиган келгусидаги самара кўрсаткичи;

$K_{\text{к}} \text{Ў}_{\text{у}}$ – кредитор қарздорликни давр мобайнидаги ўртача миқдори (2002-2003 йиллар бўйича);

$\text{КМК}_{\text{у}}$ – қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси.

Агар ушбу кўрсаткич «Ўзбектелеком» АК си ҳисоботлари ва банк кредитларининг реал фоиз ставкалари бўйича таҳлил этилса, қуйидаги натижага эришилади:

$$C_{KK} = \frac{587,9 - 5740,5 \div 2 \times 30}{100} = 127$$

Демак, корхонада 2003 йил давомида кредиторлик қарзларни маълум миқдорда ушлаб туриш орқали 127 млн. сўм даромад олиш имконияти бўлган.

Дебиторлик қарздорлик устидан назорат ўрнатиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун дебиторлик қарздорликнинг айланиш коэффициентида фойдаланиш.
- Умидсиз қарзлардан кечиш заҳирасини ташкил этиш.
- Дебиторлик қарздорлик ҳажмини тўланмайдиган қисмини деярли аниқ башорат қилиш орқали, корхона умидсиз қарзларни кечиш заҳирасини ҳисоблаб олиш.
- Дебиторлик қарздорликни муддатлари бўйича тақсимлаш ва тўловсизлик эҳтимолини баҳолаш.

Қуйида дебиторлик қарздорликни муддатлари бўйича таҳлил қилиш мумкин бўлган муаллиф вариантлари келтирамиз:

1. Тўлаш муддати ҳали етиб келмаган;
2. Тўлаш муддати 30 кунгача узайтирилган;
3. Тўлаш муддати 31 кундан 60 кунгача узайтирилган;
4. Тўлаш муддати 61 кундан 80 кунгача узайтирилган;
5. 180 кундан ўтиб кетган муҳлатни кечиктириш.

Ҳар бир муддат учун дебиторлик қарздорликнинг тўланмай қоладиган муайян фоизи аниқланади. Узоқроқ муддат учун ушбу фоиз каттароқ бўлади. Одатда, бу фоиз амалий йўл билан аниқланади. Менежер умидсиз қарзларни кечиш заҳирасининг муҳлати масалан 180 кундан ўтиб кетган дебиторлик қарздорликни, бошқа вақт оралиқларидаги муҳлати ўтиб кетган тўловларнинг тўлалигича қоплай олиш учун етарли даражада катта бўлишини инобатга олиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, менежерлар, бизнесни бошқаришда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни оптималлаштиришга алоҳида аҳамият бермоғи, бунда биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ечиб олиши лозим: корхона даромадларини максималлаштириш, ҳаражатларни минимал қисқартириш, корхонанинг динамик ривожланишига эришиш (кенгайтирилган ишлаб чиқариш), корхонанинг молиявий барқарорлигини белгилаб берувчи рақобатбардошликка эришиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, корхоналарда молиявий бошқарувнинг бозор талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган андозаларидан, усул ва услубиётларидан, турли дастакларидан фойдаланиш орқали маълум иқтисодий самара олиш ва муаммоларни ҳал этиш мумкин. Буни «Ўзбектелеком» АК сида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни фақат салбий жиҳатдан баҳоламай, балки молиявий дастак сифатида самарали бошқариш орқали ижобий натижаларга эришилганлиги кўрсатиб турибди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Муаллиф олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари суришни ўринли деб ҳисоблайди:

1. Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш тамойилларининг бир бутун тизими асосида Ўзбекистондаги телекоммуникация соҳасини кейинги эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг устивор тадбирлари ва унда молиявий бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усулларини шакллантириш тавсия этилади.

2. Телекоммуникация соҳасининг ривожланиш вариантларини кўриб чиқишда республиканинг ҳар бир алоҳида регионларининг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш зарур.

3. Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда унинг фонд бозоридаги иштироки, ўзлик ва жалб этилган маблағлари ўртасидаги муносабат каби молиявий механизмлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу механизмларни компанияга фойда келтиришини таъминлаш учун риск ва молиявий леве́риж каби омилларни таҳлил этиш ва уларни самарали равишда оптималлаштириб бориш лозим.

4. Мамлакатнинг телекоммуникациялар бозорини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин, улар 14 та қонун билан таъминланмоқда:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи;
- интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминловчи;
- ахборот истеъмолчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлардир.

Мамлакатда телекоммуникациялар тизими ва унинг хизматлар бозори турли босқичларни босиб ўтган. Бунда замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ушбу бозорни шаклланиб, ривожланишида унинг қонуний-меъёрий асослари ҳам такомиллашиб борган, ушбу хизматлар бозори, нафақат маъмурий (административ), балки соф бозор иқтисодиётининг усули бўлган - иқтисодий механизмлар асосида ҳам такомиллашиб бормоқда.

5. «Ўзбектелеком» АК бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга эканлигини кўрсатади. Унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошган. Компания келгусида бош вазифа сифатида молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўртасида молиявий ҳисоботлар юритиш ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этишга қаратиши лозим.

6. «Ўзбектелеком» АК халқаро хизматлардан олган даромадлари ҳисобидан маҳаллий хизматлари бўйича харажатларини қопламоқда ёки шаҳарлараро хизматлар халқаро хизматларнинг «боқимандаси» ҳолатида фаолият кўрсатмоқда. Телекоммуникация хизматлари бозори мамлакатга валюта тушумларини оширишнинг йирик йўналиширидан биридир. Айниқса халқаро телекоммуникация хизматлари бозорида олиб бориладиган кенг миқёсдаги стратегик маркетинг ва менежмент тадқиқотлари, молиявий оқимлар ва ҳисоб таксаларининг ўзгариш динамикасини тўғри таҳлил этиб, йўналишларни оптималлаштириб бориш жараёнлари бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида мамлакатни салмоқли ижобий тўлов балансига эришишига кўмаклашади. Шунинг учун, соҳада кесишган субсидиялашдан воз кечиш ва эгилувчан тарифлар тизимини жорий этиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация соҳасига оид қонунлари: «Алоқа тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»
2. Ўзбекистон Республикасининг умумиқтисодий характердаги қонунлари: «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини

- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сон қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятлари кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарори;
 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 2001 йил 16 ноябрдаги 453-сон қарори;
 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологиларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 23 майдаги 230-сон қарори;
 11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» Акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 ноябрдаги 488-сон қарори;
 12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
 13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
 14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1999 йил 14 апрелдаги биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
 15. Каримов И.А. Ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз.- Т.: "Халқ сўзи", 10 феврал, 2004.

- 16.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2010.
- 17.Арипов А.Н. Современные тенденции развития телекоммуникаций - Т. Т. Мат-лы международной конференции «Экономика Узбекистана: Углубление экономических реформ и либерализации», ТГЭУ, 22-23 октября 2002.
- 18.Арипов А.Н. Состояние и перспективы развития телекоммуникаций в Республике Узбекистан. – журн. «Экономический вестник Узбекистана», №6. 2003. стр.28-32.
- 19.Арипов А.Н. Тенденции развития телекоммуникаций в Республике Узбекистан. – М., журн. «Электросвязь», №8, 2003.
- 20.Арипов А.Н., Иминов Т.К. Состояние и перспективы развития сферы телекоммуникаций республики Узбекистан Материалы 1-ой Международной конференции по телекоммуникациям в Центральной Азии и Каспийском регионе. Стамбул, Турция 22-24мая
- 21.Арипов А.Н., Иминов Т.К., Инвестиционная политика развития телекоммуникаций. - Т. Мат-лы международной конференции «Техника и технология дистанционного обучения», ТУИТ, 13-14 май 2002.
- 22.Арипов А.Н., Иминов Т.К., Совершенствование ценообразования на услуги телекоммуникаций. Т. Мат-лы международной конференции «Экономика Узбекистана: Углубление экономических реформ и либерализации», ТГЭУ, 22-23 октября 2002.
- 23.Арипов А.Н., Махмудов М.М. Ценовая политика и методология формирования тарифов на услуги телекоммуникаций. – Журн. «Экономический вестник Узбекистана», №6. 2003. стр.36-39.
- 24.Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. Совершенствование организации системы управления маркетингом услуг телекоммуникаций. Ж., «Экономический вестник Узбекистана», 2003, № 8-9, стр.49-50.

- 25.Белоконь А.В. и др. Менеджмент организации: современные технологии, Ростов на Дону, «Феникс»,2002,
- 26.Буткеева Т.М. Методологические подходы к установлению тарифов в рыночной среде. Республиканский семинар «Внедрение новых технологий и либерализация рынка почты и телекоммуникаций». - Т.: УзАПИТ, НТО РЭС 2001.
- 27.Буткеева Т.М. Минимальная граница тарифа, как результат управления расходами. XLII НТК «Телекоммуникационные технологии XXI века». –Т.: ТЭИС, 2001.
- 28.Варакин Л.Е. Введение в теорию развития инфокоммуникаций. - Труды международной академии связи, 2000, № 2
- 29.Вержбицкий В.В., Власова Ю.Ю. Оценка потребностей населения России в дистанционных образовательных услугах. Справка. - Москва 2001.
- 30.Государственное регулирование рыночной экономики. - М.: «Дело», 2002.
- 31.Гринберг А.С., Король И.А. Информационный менеджмент. М.: Юнити –Дана, 2003.
- 32.Информационные технологии управления. / Под ред. Г.А. Титоренко. М.: ЮНИТИ, 2002, стр. 6-12.
- 33.Информационные технологии. Под ред. Титоренко. М.: Юнити –Дана, 2002.
- 34.Кожакин В. Приватизация и реструктуризация – источники повышения эффективности отрасли связи и информатизации. Ж «Экономический вестник Узбекистана», 2003, №6,стр.21.
- 35.Коммерциализация интеллектуальной собственности и трансфер технологий: Учебное пособие / Научная редакция Рашидовой Г.Ш. – Т.: «Мир экономики и права», 2002.

- 36.Махмудов М.М. Роль отрасли связи и информатизации. Журн. «Экономический вестник Узбекистана», №6. 2003, стр.17-20.
- 37.Молл Е.Г. Управление карьерой менеджера. СПб.: -Питер, 2003.
- 38.Мухитдинов Х.А., Иминов О.К. Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий асослари. Тошкент, “Академия”, 2006.
- 39.Мухитдинов Х.А. Ўзбекистонда ахборот - коммуникация технологиялари ҳолати ва истикболи. Ж. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Т., 2009, №5, 10-16-б.
- 40.Отрасль связи в 2002 г.: Итоги и надежды. Ж. «Вестник связи», М., 2003 г., № 5, стр. 16
- 41.Попов С.Г. Основы маркетинга: Учебное пособие. – М. «Ось–89», 2002.
- 42.Рахимбоев С.Қ. Телекоммуникация соҳасида баҳо сиёсатини такомиллаштириш. Ж. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”. Т.,2009., №5, 46-48-б.
- 43.Рахимбоев С.Қ., Абдурахмонов А.Р. Халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий салоҳиятини ошириш имкониятлари. Мақолалар тўплами. “Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари”. Т., 2010., 175-177-б.
- 44.Рейман Л.Д., Совершенствование системы государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. С. Петербург, 2000.
- 45.Ременников В.В. Разработка управленческого решения: Уч. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
- 46.Сенчагов В.Г. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие. – М.: Финстатинформ, 2002.
- 47.Серегина С.Ф. Роль государства в экономике. - М.: «Дело и сервис», 2002г.

48. Средства информатизации государственных предприятий и коммерческих фирм: Справочное пособие / Под общ. ред. Реймана Л.Д. – М.: ФИОРД-ИНФО, 2002.
49. Хэзлитт Г. Типичные ошибки государственного регулирования экономики. – М.: Серебряные нити, 2000.
50. Чернова Г.В., Кудрявцев А.А. Управление рисками. М.: Прогресс, 2003.
51. Шибаршова Л.И. Развитие сферы почты и телекоммуникаций Республики Узбекистан в период рыночных преобразований (макроэкономические аспекты). Автореферат на соискание ученой степени док.эк.наук. Т., 2000.
52. Aripov A.N., Iminov T.K, The state and prospects of the development of telecommunications sphere of the Republic of Uzbekistan 1-st International Caspian and Central Asian telecoms conferens. Istanbul, Turkey, 2002, 22-24 may.
53. www.uzreport.com
54. www.gov.uz
55. www.tuit.uz
56. www.aci.uz
57. www.google.uz
58. www.pochta.uz
59. www.ziyonet.net